

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Kўлёзма ҳуқуқида*

*УДК:658/012012 (575/1)*

**Каримов Камолиддин Камилович**

**Савдо корхоналарида молиявий натижалар таҳлилини  
такомиллаштириш**

**5А230902 - Аудит**

**Магистр**

**Академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.н. Тожибоева Ш.А.**

**ТОШКЕНТ 2014**

# М У Н Д А Р И Ж А

|   |    |
|---|----|
| Кириш .....   | 3  |
| Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарида молиявий натижалар таҳлилиниг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ..... | 8  |
| 1 боб. Фойданинг иқтисодий мазмуни ва бажарадиган функциялари .   | 8  |
| 1.1. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари.....                                   | 15 |
| 1.2. 1 боб бўйича хулоса .....  | 27 |
| Савдо корхоналарида фойдани ифодаловчи  |    |
| 2 боб. кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш йўллари.....  | 29 |
| 2.1. Ялпи даромад ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш.....  | 29 |
| 2.2. Фойда кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш усуллари.....                           | 40 |
| 2.3. Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили.....  | 48 |
| 2 боб бўйича хулоса .....   | 53 |
| Савдо корхоналарида рентабелликни ифодаловчи  |    |
| 3 боб. кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш йўллари.....  | 55 |
| 3.1. Рентабеллик кўрсаткичларининг иқтисодий моҳияти, таҳлил мақсади ва вазифалари.....                                   | 55 |
| 3.2. Савдо корхоналарида умумий рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари.....                                    | 61 |
| 3.3. Молиявий салоҳият билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.....  | 64 |
| 3 боб бўйича хулоса .....   | 72 |
| Хулоса .....  | 74 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....  | 78 |
| Иловалар  |    |

## **КИРИШ**

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.**

Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида олдимиизда турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илгор технологиялар билан қайта куроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишдир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов: «Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, буниг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган»<sup>1</sup> деб айтиб ўтдилар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиёт олдига кўйилган вазифалардан бири – бу уни самарадорлигини кўтаришдан иборатдир. Самарадорлик хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий натижаларида ўз ифодасини топади. Молиявий натижаларни юқори бўлишини таъминлаш учун уларни доимо таҳлил қилиб, керакли чора-тадбирларни амалга ошириб туриш лозим. Хўжалик субъектларининг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий натижалар таҳлили муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Молиявий натижаларнинг назарий, услубий ва амалий томонлари умумметодологик жиҳатдан саноат корхоналарига тегишли доирада тадқиқ қилинган. Бироқ бошқа кўпгина тармоқларнинг, хусусан савдо соҳасининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш хусусиятлари назарий жиҳатдан деярли тадқиқ қилинмаган. Зеро, ҳар бир тармоқда молиявий натижаларни таркиб топиши ва уларни тақсимлаш борасида ўзига хос хусусиятлар борки,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш илии бўлади. -Т.: Ўзбекистон. 2014. -20 б.

уларни инобатга олмасдан туриб тўғри ва асосли бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида тадқиқотни долзарб мавзуга бағишланганлигидан далолат беради.

**Тадқиқот обьекти ва предметининг белгиланиши.** Тадқиқотнинг обьекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган «ВТК Savdo servis» маъсулияти чекланган жамияти олинди.

**Тадқиқот ишининг предмети** савдо корхоналарда молиявий натижалар таҳлилиниг ташкилий, ҳуқуқий, меъёрий жиҳатларини ўзида мужассамловчи иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади савдо корхоналарда молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқищдан иборат.

Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқкан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилиниг мақсади ва вазифалари ҳамда ни кўрсаткичлар тизимини ва уларни аниқлаш йўлларини кўрсатиб бериш;
- товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблашнинг методологик асосларини тадқиқ этиш;
- асосий ва умумхўжалик ва солик тўлангунга қадар фойдани аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- соф фойданинг таркиби ва ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилиниг мақсади ва вазифаларини кўрсатиб бериш;
- савдо корхоналарида рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усулларини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Тадқиқотнинг асосий масаласи хўжалик субъектларининг ишчанлик фаолияти кўрсаткичларини комплекс, тизимли таҳлил қилиш усувларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг асосий фарази сифатида** таъкидлаш жоизки, диссертацияда ишлаб чиқилган илмий хуросалар ва амалий таклифлар савдо корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, фойдани ошириш ва рентабелликни кўтариш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш имконини бериши мумкин.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Савдо корхоналари хўжалик фаолияти таҳлилиниң шаклланиши, ривожланишига И.Т. Абдукаримов, Л.А. Бернстайн, М.И. Баканов, Л.И. Кравченко, О.Р. Кмицикевич, А.И. Меркушев, М.Қ. Пардаев, С.К. Татур, А.Д. Шеремет каби етакчи иқтисодчи олимлар катта ҳисса қўшганлар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан иқтисодий таҳлил ва унинг айрим соҳаларига бағишланган қатор адабиётлар, дарсликлар, ўкув қўлланмалари, илмий мақолалар нашр этилган. Улар жумласига Э.А.Ақрамов, Ё.А.Абдуллаев, И.О.Волжин, Е.Е. Ергешев, А.Т. Иброҳимов, Б.И. Исроилов, М.Қ. Пардаев, М.М.Тўлахўжаева, Б.А.Ҳасанов, А.Х. Шоалимов, В.В. Эргашбоевларнинг илмий ишларида хўжалик субъектларида молиявий натижалар таҳлилиниң айрим муаммолари, ташкилий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, молиявий натижаларнинг назарий муаммолари масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, уларнинг амалий жиҳатдан турли соҳаларга мос келиши ҳисобланади. Мазкур ишда савдо тармоғи тадқиқот обьекти сифатида «BTK Savdo servis» маъсулияти чекланган жамияти танланди. Савдо

корхоналари молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини ёритишида муаммога тизимли ва комплексли тарзда ёндошилди.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.**

Тадқиқот ишида кузатиш, умумлаштириш, гурухлаш, таққослаш, индукция, дедукция, занжирли алмаштириш, мутлоқ фарқлаш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Илмий тадқиқот ишида республикамиз ва хорижий олимларнинг илмий ишлари умумлаштирилиб, савдо корхоналарида молиявий натижалар таҳлилиниг услубий муаммолари назарий асосланиб, уларни ҳал этишга қаратилган амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарида молиявий натижаларни таҳлил қилиш орқали унинг самарадорлигини ошириш йўллари белгиланди. Илмий ишда молиявий натижалар таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса ва амалий таклифлар мамлакатимизда турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналарида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишида ва олий ўкув юртларида “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, “Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили”, “Комплекс иқтисодий таҳлил” фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** иқтисодий таҳлилиниг умумметодологик асосларига таянган ҳолда айнан олинган савдо корхонасининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларини тизимли ва комплекс таҳлил қилишнинг амалий жиҳатга молик усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишида олинган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- савдо корхоналарида товарларни сотишдан олинган ялпи ҳажмини ошириш бўйича омилли таҳлил таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди;

- соф фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш ва унинг ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усуслари тавсия қилинди;
- молиявий ҳисботни тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиқсан ҳолда, янги молиявий ҳисбот шакли “Соф фойдани тақсимланиши тўғрисидаги ҳисбот” (2Б-шакл) тавсия қилинди;
- товарларни сотиш рентабеллик кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари ва натижа кўрсаткичини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Илмий иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Ундаги жадваллар сони 19 та, чизмалар сони 9 та, иловалар сони 2 тадан иборат. Тадқиқот ишининг матни 82 бетни ташкил қиласди.

# **1 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САВДО КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ**

## **1.1. Фойданинг иқтисодий мазмуни ва бажарадиган функциялари**

Республикамиз иқтисодий салоҳиятини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаравонлигини тўхтовсиз ошириш ва бошқа муҳим вазифаларни самарали бажарилиши бевосита унинг асосини ташкил қилувчи хўжалик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантирилиши билан амалга оширилади. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий қўрсаткичларни, унинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва холисона таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов: «2014 йилга мўлжалланган кенг кўламли дастурий мақсад ва вазифалар ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни ечиш учун бор қуч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилиши хақида бугун гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ»<sup>2</sup> деб айтиб ўтдилар.

Ҳозирги шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида иқтисодий дастаклардан кенг кўламда фойдаланилади. Буларга фойда, баҳо, рентабеллик қўрсаткичлари, солик, кредит, дивидендлар киради. Ушбу иқтисодий дастаклар ичида фойда иқтисодий манфаатларни уйғунлаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи энг муҳим мезондир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатишнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги боис ҳар бир

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. -Т.: Ўзбекистон. 2014. -22 б.

хўжалик юритувчи субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Бинобарин, фойда миқдорида жамиятнинг, корхона жамоасининг ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Шу боис, фойда иқтисодий тоифа бўлиб, ўзида ишлаб чиқариш ва тақсимот орқали товар-пул муносабатларини акс эттиради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг олган фойдаси қанча кўп бўлса, мулк эгасида ҳар бир ходимни шунча кўп рағбатлантириш, корхонани ҳар томонлама кенгайтириш, такрор ишлаб чиқариш фонdlари маблағини кўпайтириш имконияти туғилади. Бундан жамият ҳам манфаатдор, зеро корхонанинг олган фойдаси қанча кўп бўлса, фойдадан давлат бюджетига тўланадиган солик ҳам шунча кўп бўлади.

Жамият, корхона жамоаси ва ҳар бир ходим манфаатларининг муштараклиги фойдани тақсимлаш ва унинг ҳисобидан такрор ишлаб чиқариш фонdlарини ташкил этиш орқали намоён бўлади. Фойдани тақсимлашда манфаатлар муштараклигини таъминлаш тамойилига амал қилинмаслик ёки ишлаб чиқаришнинг объектив қонун ва қоидаларини назардан четда қолдириш, сўзсиз мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини кескин тусда пасайишига ва охир-оқибат жамиятни сиёсий ва иқтисодий таназзулга олиб келади.

Маълумки, товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги қўшимча қиймат эса фойдага айланади. Демак, фойданинг хақиқий манбаи қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қийматдир. Савдо фойдасининг манбаи эса савдо устамаси ҳисбланиб, у товарларнинг шартнома баҳосига нисбатан белгиланади. Шу боис савдо фойдасининг моҳияти хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз. Зеро, фойда ва бошқа турлича кўринишдаги даромадлар манбаини билмаслик, нима учун товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар зарар кўради-ю, уни сотувчилар фойда кўради каби саволларга жавоб беришда қийинчиликни юзага келтиради.

Маълумки, фойда ишлаб чиқариш соҳасида яратилади. Лекин, у ўзининг маҳсус иқтисодий шаклини муомала соҳасида олади. Фикримизча,

фойда бу яъна, муомала соҳаси тоифасидир, зеро усиз реал (ҳақиқий) фойдани олиш мушкул.

Савдо фойдаси муомала соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши натижасида ўзгариб турувчи бозор конъюнктураси шароитида ҳамда товарларга бўлган талаб ва таклифлар асосида яратилади.

Табиийки, савдо фойдаси ҳам инсон меҳнати натижасидир. Савдо корхоналарининг фаолияти унумли ёки унумсиз меҳнат сирасига кириши хусусидаги иқтисодчи олимлар Шеремет А.Д., Негашев Е.В.ларнинг<sup>3</sup> қарашларига турли томондан ёндошиш мумкин. Агар масалага моддий бойликлар ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қаралса, у ҳолда савдо ходимларининг фаолияти натижасида ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди ҳамда моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг табиий ҳажми ошмайди. Шу боис, савдо ходимла-рининг меҳнатини унумсиз меҳнат деб айтишга асос бордек туюлади. Лекин, бу «унумсиз» меҳнат савдо соҳасига маълум миқдорда фойда келтиради. Мулк эгаси нуқтаи назаридан қаралса, ҳар қандай меҳнат унумли меҳнат ҳисобланади. Фараз қилайлик, меҳнат натижасида моддий бойликлар яратилди. Агар уларнинг қиймати сарфланган харажатлардан паст бўлса, у ҳолда бундай меҳнат натижасида маҳсулот яратилса ҳамки, унумсиз меҳнат деб ҳисобланади, чунки бунда тадбиркор ҳатто меъёрий фойда ҳам олмайди. Бинобарин, меъёрий фойдани тадбиркор товарларни паст нархда, яъни харажатга teng нархда сотганда ҳам олиши мумкин.

Энди масалага ҳар бир ишловчининг нуқтаи назаридан қаралса, ҳар қандай меҳнат унинг учун унумли ҳисобланади, чунки у меҳнат қилиш жараёнида ўзининг жисмоний ва ақлий қобилияtlарини қайта тиклайди, яъни меҳнат маҳсулиниинг истеъмол қийматини қоплайди. Шунга

---

<sup>3</sup> Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Экономический анализ в торговле. –М.: Финансы и статистика, 2006. -276 с.


қарамасдан агарда у қўшимча қиймат (фойда) яратмаса, ушбу меҳнат мулк эгаси нуқтаи- назарида унумсиз меҳнат деб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, савдо ходими меҳнатига ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назардан қаралса, у сўзсиз унумли меҳнат ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш даври савдо корхоналари воситасида охирги босқичга келади. Шу боисдан, савдо фойдасининг моҳияти хусусида: «savdo жараёнини товар ишлаб чиқарувчилар томонидан қўшимча хизмат учун тўланадиган ҳақ сифатида қараш, савдо фойдаси ишлаб чиқарувчилар томонидан савдо соҳаси учун баҳридан ўтилган фойданинг бир қисми деб ҳисоблаш асло мумкин эмас», деб таъриф берамиз. Бизнингча, савдо фойдаси қилинган меҳнатнинг ҳарактеридан қатъий назар савдо соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнати натижасида яратилади.

Савдо фойдаси таркибига товарларни сотишдан тушган ялпи фойда, асосий савдо фаолияти фойдаси, умумхўжалик фойдаси, тасодифий фойда, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойда, тақсимланмаган фойда кабиларни киритиш мумкин. Савдо фойдасининг ушбу турлари асосида жамият, меҳнат жамоаси ва ҳар бир ходимнинг иқтисодий манфаатлари муштараклигини қандай қилиб таъминлаш муаммоларининг ечими кўрсатилган. Масалан, савдо корхоналарининг хўжалик фаолиятида куйидагича вазият содир бўлиши мумкин. Айтайлик, савдо корхонаси асосий савдо фаолиятидан етарли даражада ялпи фойда олишга эришган. Лекин унинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган омиллар (чет эл валютаси бўйича салбий курс фарқи) таъсири натижасида соф фойда ўрнига зарар кўриши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Савдо корхонаси унга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсири натижасида зарар кўриши оқибатида унинг акция эгаларига дивидендлар тўлаш ва такрор ишлаб чиқариш фонdlарини тўлдиришга курби етмайди. Шу зайлда авваламбор шахсий манфаатдорлик тамойили ҳаракатдан тўхтайди. Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида шахснинг манфаатдорлик тамойилига teng хукуқлилик

мақомини бериш керак, зеро у ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни юксалтиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойдани тақсимлашда иқтисодий жиҳатдан асосланган тартибни қўллаш авваламбор, унинг бажарадиган функцияларини чукур ва ҳар томонлама билишга боғлиқ. Фойданинг бажарадиган функциялари қўйидагиларни ўз ичига олади .



### 1.1-чизма. Фойда бажарадиган функциялар.

Маълумки, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш (фойда олиш) ҳар қандай иқтисодий формациянинг муҳим иқтисодий ва пировард натижаси ҳисобланади, зеро уни яратмасдан туриб ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қўпгина ижтимоий, иқтисодий вазифаларни амалга ошириш имкони бўлмайди. Шу сабабли жамиятнинг, алоҳида олинган корхоналарнинг ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади.

Фойда кўрсаткичининг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи синтетик кўрсаткич функцияси хусусида қўйидагиларни айтиш мумкин. Масалан, савдо корхоналарининг ихтиёрида қолган соф фойда таркибида уларнинг бутун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма тури бўйича, шу жумладан, товарларни сотиш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, савдонинг асосий

фаолияти бошқа даромадлари ва харажатлари, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва заарлар қолдиғи ўз аксини топади. Дарвоқе, савдо ташкилотларининг ялпи даромади таркибида ушбу моддалар акс этмайди. Шу боис, икки мустақил тушунча бўлмиш даромад билан фойдани бир-бирига ўхшатиш мумкин эмас. Даромад анча кенгроқ иқтисодий тоифа ҳисобланиб, у товар айланмаси қийматига яқин туради. Фикримизча, «Харажатлар таркиби тўғрисида...»ги Низом асосида фойданинг ҳар бир тури бажарадиган функцияни кўрсатиш керак. Масалан, товарларни сотищдан тушган ялпи даромад бажарадиган функция орқали товарларнинг шартнома баҳосига нисбатан қўйиладиган савдо устама баҳо даражасини ўзгаришини назорат қилишимиз мумкин. Савдо устама баҳо даражасини асоссиз равишда ошириш савдо ташкилотлари фаолият кўрсатиш сифатидан қатъий назар, уларга юқори даромад олишни таъминлайди ва аксинча, савдо устама баҳоси асоссиз йўсинда камайиб кетиши савдо ташкилотларини таназзулга олиб келади.

Товарларни сотищдан тушган ялпи фойда бажарадиган функция орқали чакана товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши, савдо устама баҳо даражасининг ўзгариши ва муомала харажатлари даражасининг ўзгаришини назорат қилиш мумкин. Савдо корхоналарининг асосий фаолиятдан олган фойдаси (операцион фойда) бажарадиган функцияси орқали товарларни сотищдан тушган фойда миқдорини, давр харажатларининг (маъмурий харажатлар), бошқа операцион даромадлар ва харажатларнинг ўзгаришини назорат қилиш имкони туғилади. Савдо корхоналарининг умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда (ҳисбот фойдаси) бажарадиган функция орқали молиявий фаолиятдан юзага келадиган фойда (зарар) ўзгариши устидан назорат ўрнатиш мумкин. Зеро, молиявий фаолиятдан юзага келадиган заарларнинг кўпайиши савдо ташкилотларини банкрот ҳолатига олиб келиши мумкин. Масалан, тадқиқот обьекти “BTK savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятида ҳам

молиявий фаолиятдан кўрилган заарлар ҳажми ошган. Солик тўлангунга қадар фойда бажарадиган функция орқали тасодифий фойда (зарарлар) ўзгаришини назорат қилиш имкони туғилади. Нихоят, соф фойда бажарадиган функция орқали савдо корхоналари ихтиёрида қолган фойда улушкининг ўзгаришини назорат қилиш мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект турли йўл билан кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиласди. Аксарият саноат корхоналари фойдани асосан товарларни сотиш баҳосини кескин тарзда ошириш, маҳсулот ассортименти ва таркибини ўзгартириш ҳисобига олишга интиладилар.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида бўлганидек, савдо соҳасида ҳам товарларни сотишдан тушган ялпи фойданинг кўпайиши асосан нархларнинг кескин суръатда ўсиши ҳисобига юз беради, амалда эса унинг табиий (физик) ҳажмининг кўпайиши жуда оз бўлади.

Корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улушкининг камайиши эвазига уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бериладиган бюджет маблағлари миқдори оширилар эди. Табиийки, фойдани тақсимлашдаги бундай тартиб натижасида унинг тақсимловчи функцияси бирёқлама вазифани ўтар эди.

Амалда фойданинг тақсимловчи функцияси асосан жамият манфаатларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, корхона жамоаси ва ҳар бир ходимнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олмас эди. Натижада, жамият ва корхона жамоасининг иқтисодий манфаатлари муштараклиги тамойилига зарар етказилар эди. Энди эса вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий тадбирлар учун молиявий таъминоти тугаб бормоқда. Шу боис, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улуши кўпайиши керак. Лекин шундай бўлсада, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улушкининг камайишини кузатиш мумкин.

Фойда олиш ҳар қандай меҳнат жараёнининг натижаси ҳисобланади. Шу боис жамиятнинг, алоҳида олинган корхоналар ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойданинг ижтимоий-иктисодий моҳияти, шаклланиши ва тақсимланиши хусусида ўз ечимини кутаётган муоммолар талайгина. Шулардан келиб чиқкан ҳолда, мазкур ишнинг навбатдаги бўлими айнан молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўлларини такомиллаштиришга багишланди.

## **1.2. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Корхона молиявий ресурсларини тўғри бошқариш учун биринчи навбатда, корхонанинг молиявий аҳволи, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, молиявий натижаларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиниши **лозим бўлади**.

Фойда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи энг муҳим мезондир. У корхонанинг келгуси равнаки, ходимларни ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи асосий манбадир. Бозор иқтисодиёти луғатида фойда – бу бухгалтерия тушунчасида даромаднинг кўпайганлгини англатади, деб таърифланган. Бундан ташқари фойдага (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти сифатида ҳам қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Иқтисодчи олимлар А.В.Вахабов ва А.Т.Иброҳимовлар фойда кўрсаткичига қўйидагича таъриф берадилар: «Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар ўртасидаги қўйи

ўзгарувчанлик эса заарни ифодалайди»<sup>4</sup>. Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадларни ва харажатларни, яъни фойдани аниқлаш ва ўлчаш-корхона ўз молиявий ҳисботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади.

Даромадлар – бу ҳисбот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларнинг капиталидаги омонатлардан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишdir.

Харажатлар – ҳисбот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклини камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир. Шунингдек, фойда хўжалик субъектларининг маҳсулот сотишдан, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари натижасидан ҳамда фавқулоддаги вазиятлардан сўнг ўз барча харажатларини қоплаб, қўшимча олган даромадлар йифиндисидан иборатдир, деб тушуниш ҳам мумкин. Демак, олинган фойдани таҳлил қилишда, даромаднинг кўпайган ёки камайганлиги, бунинг ўзгариш сабабалари ҳамда таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

Иқтисодчи олимлар М.К.Пардаев ва Б.А.Хасановларнинг фикрича: “Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири - таҳлил қилинаётган обьект ёки бирорта иқтисодий тоифани холисона баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий ва методологик жиҳатдан ҳар томонлама асослашдан иборатдир”<sup>5</sup>.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари бу кенг қамровли тушунчадир. Уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши бўйича тўлиқ ва ҳар томонлама асосланган хulosса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хulosса чиқариш учун,

<sup>4</sup> Ваҳабов А.В., Иброҳимов А.Т. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т: Иқтисод-молия, 2013.-240 б.


<sup>5</sup> Пардаев М.К., Б.А.Хасанов. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: Чўлпон, 2012. -243 б.

аввало, уларни илмий жиҳатдан таснифлаш керак. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар ғоят кўп белгилар билан таснифланади, яъни иқтисодий мазмуни, фойдаланиш даражаси, ифодаланиш шакли, умумлаштириш даражаси, хўжалик фаолиятининг бўғинлари ва шаклланиш ҳолати бўйича каби белгилар бўйича таснифлаш қабул қилинган. Бу ўринда биз молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифини ҳавола қилиш билан чекланамиз, зеро кўрсаткичларни ушбу белги бўйича таснифлаш тегишли хulosा чиқариш учун етарли бўлади. Ушбу кўрсаткичлар таснифи қуидаги чизмада кўрсатилган, (1.2-чизма).

1.2-чизмадан кўринишича, молиявий натижаларнинг шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар бир қанча. Бинобарин, уларнинг ҳар бири маълум микдорга эга бўлиши ва таҳлил қилинаётган тоифанинг у ёки бу жиҳатини ифодалashi керак. Бу ҳолат аниқ ахборотлардан фойдаланишни тақозо этади.

Молиявий натижаларнинг жуда кўп ўкув ва услубий масалалари асосан умумий методологик жиҳатдан тадқиқ қилингани ҳолда, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида (савдо, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги кабилар) молиявий натижаларни таҳлил қилиш хусусиятлари деярли тадқиқ қилинмаган.

Мамлакатимизда жорий қилинаётган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари иқтисодиётнинг барча соҳалари учун ва қайси мулк шаклига мансублигидан қатъий назар, ягона счетлар режаси ҳамда ягона молиявий ҳисбот шаклларининг амал қилишини тақозо этмоқда. Аммо молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишда иқтисодиётнинг турли соҳаларига хос хусусиятларини инобатга олиш талаб қилинади. Афсуски, амалдаги «Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомга асосан савдо соҳасининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда «Савдо корхоналарининг хизмат кўрсатиш ва товарларни сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақида»ги Низом ишлаб чиқилмаган.



Манба: Молиявий натижалар таҳлилиниң умумий методологик асосларига таянган холда тадқиқотчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган.

## **1.2-чизма. Савдо корхоналарида молиявий натижалар шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи.**

Молиявий таҳлилга оид иқтисодий адабиётларни ўрганишлар кўрсатдики, савдо корхоналарининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, аниқлаш йўллари ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усусларига бағишлиланган илмий ишлар бозор

иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон амалиётида қўлланилаётган «Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомга тўлиқ мос келмайди. Хусусан, М.Қ. Пардаев ва Б.И.Исройловларнинг молиявий таҳлилга бағишлиланган услубий кўргазмалар ва тавсиялар альбомида савдо акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабеллик даражасини ўзгаришига қуидаги тўртта омил таъсирини ҳисоблаш усули кўрсатилган:<sup>6</sup>

- товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши;
- ялпи даромад даражасининг ўзгариши;
- давр (муомала) харажатлари даражасининг ўзгариши;
- солиқлар, бошқа харажатлар ва йўқотишларнинг ўзгариши.

Шунингдек, Е.Е.Ергешевнинг дарслигида фойда микдорининг ўзгаришига таъсир қилувчи учта омилнинг таъсирини ҳисоб-китоб қилиш кўрсатилган<sup>7</sup>:

- товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши;
- ялпи даромад даражасининг ўзгариши;
- муомала харажатлари даражасининг ўзгариши.

Хорижий иқтисодчи олимларнинг савдо корхоналарининг иқтисодий таҳлил қилишга бағишлиланган ишларида ҳам молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш усуллари яхши ўрганилмаган. Чунончи, иқтисодчи оима М.С.Абрютинанинг ўқув кўлланмасида «ялпи фойда бу - савдо устамаси ёки савдо устамаси ҳали даромад эмас, чунки савдо устамасидан муомала харажатлари айрилсагина даромад ҳосил бўлади»<sup>8</sup>, дейилган фикрига қўшилмаймиз. Бу ерда муаллиф икки мустақил тоифа - фойда билан даромадни алмаштириб юборган. Ялпи даромад товарларнинг харид ва сотув баҳоси ўртасидаги фарқ ҳисобига ҳосил бўлади. Ялпи фойда эса, ялпи даромад ва муомала харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида таркиб топади.

<sup>6</sup> Пардаев М.Қ., Исройлов Б.И. Молиявий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 1999. –307 б.

<sup>7</sup> Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. - Т.: Молия, 2005.- 102 б.

<sup>8</sup> Абрютина М.С. Экономический анализ торговой деятельности. - М.: Дело и сервис, 2000. -95 с.

Савдо корхоналари фаолиятини таҳлил қилишга бағишиланган В.А.Черновнинг дарслигига ҳам фақат товарларни сотищдан тушган фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили берилган<sup>9</sup>:

- товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши;
- ялпи даромаднинг ўртача даражаси ўзгариши;
- муомала харажатларининг ўртача даражаси ўзгариши;
- бошқа даромадлар ва харажатлар ҳажмининг ўзгариши.

Юқорида қайд қилинган савдо корхоналарининг молиявий натижаларини тадқиқ этишга бағишиланган адабиётларда фақат товарларни сотищдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш билан чекланганлик кузатилади.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги ...» Низомга асосан фойдани турлари бўйича таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, ишда умумий услугбий таклиф ва тавсияларга ёндашилган ҳолда, савдо соҳасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиниб, унинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди (1.1-жадвал).

Иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича, хусусан, савдо корхоналарининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мантиқий кетма-кетликка қаратилган усули ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Масалан, 2-шаклда 020-сатр сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи - саноат корхоналари учун, савдо ташкилотлари учун эса, ушбу қаторда товарларни сотиб олиш (харид) баҳоси кўрсатилади ёки саноат корхоналарида ялпи фойда маҳсулот сотищдан келган соф тушум ва сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланса:

$$\text{Ялпи фойда} = \text{Соф тушум} - \text{маҳсулот таннархи} \quad (1.1)$$

ёки 2-шаклда: 030-сатр = 010-сатр-020 сатр кўринишида акс эттирилади.

Савдо корхоналарида ялпи даромад чакана товар айланмаси (товарларни

<sup>9</sup> Чернов В.А. Экономический анализ: торговля, общественное питание, туристический бизнес.-М.: Юнити-Дана, 2003. -403 с.

## 1.1-жадвал

### Савдо корхоналари молиявий натижалари шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг мазмунни ва аниқлаш йўллари

| Кўрсаткичлар                               | Мазмуни   | Хисоблаш формуласи  | Ахборот манбалари-да ифодаланиши |
|--|---|---|----------------------------------|
| 1  | 2   | 3   | 4                                |
| 1. Соф товар айланмаси                     | Чакана савдо айланмаси ахолига, давлат ва жамоа хўжаликлари, ташкилотлар ва корхоналарга сотиладиган ҳалк истемоли товарларининг пул шаклида ифодаланган ҳажмини кўрсатади. | ЧТА= $T_3^1 + T_k + T_0 - T_{\text{чк}} - T_3^2$<br>Бу ерда:<br>ЧТА-чакана товар айланмаси<br>$T_3^{1,2}$ -товарларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги қолдиғи<br>$T_k$ -товарларнинг келиши<br>$T_0$ -товарларни ошикча чиқсан қисми.<br>$T_{\text{чк}}$ -товарларни чиқиб кетиши | Сатр. 010                        |
| 2. Товарларни сотишдан тушган ялпи даромад | Ялпи даромад савдо чегиртмаси ва устамаси хисобдан ташкил топади  | Яд=Сч+ Су<br>Бу ерда:<br>ЯД –ялпи даромад<br>Сч-савдо чегирмаси<br>Су-савдо устамаси  | Сатр. 010-020                    |
| 3. Ялпи даромадни даражаси                 | Ялпи даромад даражаси -ялпи даромад суммасини чакана товар айланмасига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланишини кўрсатади.  | ЯД: ЧТА x 100<br>Бу ерда:<br>ЯД-ялпи даромад;<br>ЧТА-чакана товар айланмаси   | <u>Сатр.030x100</u><br>Сатр. 010 |
| 4. Муомала харажатлари                     | Товарларни ишлаб чиқаришдан то истемолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ харажатларнинг қиймат шаклида ифодалашини кўрсатади.   | ЖХ-ДХ<br>Бу ерда:<br>ЖХ-жами харажатлар;<br>ДХ-давр харажатлари.  | Сатр. 050                        |
| 5. Муомала харажатлари-нинг даражаси       | Муомала харажатлари суммасини чакана товар айланмасига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланишини кўрсатади.  | МХ : ЧТА x 100  | <u>Сатр.050x100</u><br>Сатр. 010 |

1.1-жадвални давоми

| <b>1</b>  | <b>2</b>  | <b>3</b>                              | <b>4</b>                      |
|---|---|---------------------------------------|-------------------------------|
| 6. Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда                                  | Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмини күрсатади.  | ЯФ = ЯД-МХ                            | Сатр. 030-050-080             |
| 7. Давр харажатлари   | Товарларни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар (маъмурӣ харажатлар)   | X                                     | Сатр. 060+080                 |
| 8. Асосий фаолиятнинг бошқа даромад ва харажатлари.                       | Товарларни сотиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар (харажатлар) масалан, тўланган (олинган) жарим, кабилар. | X                                     | Сатр. 090+070                 |
| 9. Асосий фаолиятдан олинадиган фойда (зарар) ёки операцион фойда (зарар) | Асосий фаолиятдан, яъни товарларни сотишдан тушган фойда ҳажмини күрсатади.   | Афоф = ЯФ-МХ±Офх                      | Сатр. 030-060-070+090         |
| 10. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромад (харажат)                      | Молиявий фаолиятнинг натижаларига: дивиденdlар, олинган ва тўланган фоизлар, чет эл валюталари бўйича курс фарқлари                                 | X                                     | Сатр.125 +130+ +135 +140+ 145 |
| 11. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар)                         | Умумхўжалик жараёнидан олинган фойда = асосий фаолиятдан олинган фойда (+,-) молиявий фаолият натижаларини тавсифловчи молиявий натижа.             | Умум.Ф.Ф = Ас.Ф.Ф + Мол.ФФ - Мол.Ф.Х. | Сатр.100+ +110—170            |
| 12. Фавқулоддаги фойда (зарар)  | Бу олиниши кутилмаган, корхоналар фаолиятидан ташқаридаги ҳолатлар окибатида олинган гайриоддий хусусиятга эга фойда (зарардир).                    | X                                     | Сатр. 230                     |
| 13. Солик тўлангунга қадар фойда (зарар).                                 | Солик тўлагунга қадар фойда (зарар) – фавқулодда фойда ва зарарларни хисобга олган ҳолдаги ифодаланишини күрсатади.                                 | С.Т.ҚФ = Умум.Ф.Ф + ФФ-ФЗ             | Сатр.220± ±230                |
| 14. Соф фойда   | Соф фойда – соликлар тўлангундан сўнг савдо ташкилотлари тасарруфида қоладиган фойда суммасидир.  | СФ = С.Т.Қ.Ф-Д.С.                     | Сатр.270= =240-250-260        |

Манба: Молиявий натижалар таҳлилиниң умумий методологик асосларига таянган ҳолда тадқиқотчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган.

сотиш баҳоси) ва сотиб олиш (харид) баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

Ялпи даромад = чакана товар айланмаси – товарларни сотиб олиш  
баҳоси

(1.2)

ёки 2-шаклда: 030-сатр = 010-сатр-020-сатр кўринишида акс эттириш мумкин.

Айрим нуфузли ишларда<sup>10</sup> савдода давр харажатларига муомала харажатлари киритилади дейилган бўлса, бошқа адабиётларда<sup>11</sup> давр харажатлари савдода муомала харажатлари деб аталади дейилган. Савдода ишлаб чиқариш корхоналаридан фарқли равища давр харажатлари таркибиға фақат маъмурий харажатларни (060-сатр), муомала харажатлари таркибиға эса товарларни бевосита сотиш билан боғлик харажатларни (050-сатр): транспорт харажатлари; сотувчилар (пештахта ходимлари) меҳнат ҳақи харажатлари; товарларни сақлаш, қайта ишлаш, саралаш, жойлаш харажатлари ва ҳоказоларни киритиш керак.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, агар ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун:

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда = ялпи фойда - давр харажатлари+  
+ бошқа даромадлар- бошқа харажатлар

(1.3)

ёки 2-шаклда: 100-сатр = 030 сатр - 040 сатр+090 сатр, савдо ташкилотларида товарларни сотишдан кўрилган ялпи фойдадан маъмурий харажатлар (МАМхар) ва асосий фаолиятдан кўрилган харажатларни айриш (Бхар) ва бошқа даромадларни қўшиш керак:

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда = Ялпи фойда-маъмурий  
харажатлар +бошқа даромадлар-бошқа харажатлар

(1.4)

ёки 2-шаклда: 100сатр = 030 сатр - 060 сатр - 070 сатр + 090 сатр кўринишида акс эттириш мумкин.

---

<sup>10</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий хисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. -Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 1999. –139 б.

<sup>11</sup> Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси , 1998. -104 б.


Юқорида қайд этилганидек, молиявий ҳисобот тузишдаги энг муҳим тамойиллардан бири бу - ҳисобот шаклларининг ҳамма учун тушунарли бўлиши кераклигидир. Шу сабабли, 2-шаклда берилган кўрсаткичлар ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун бир қанча изоҳ ва эслатмалар бериш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, сотищдан олинган соф тушум (010-сатр) савдо ташкилотларида соф чакана товар айланмаси ҳажмини, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи (020-сатр) савдо ташкилотларида товарларни сотиб олиш (харид) баҳосини, маҳсулотларни сотищдан келган ялпи фойда (030-сатр) савдо ташкилотларининг ялпи даромади суммасини, сотиш харажатлари (050-сатр) савдода муомала харажатларини, маъмурий харажатлар (060-сатр) эса савдо ташкилотларида давр харажатларини кўр-сатиши ва ҳоказолар.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аникланиш йўлларини, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилини ёритишдан иборат. Ушбу мавзуни таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охирги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг кўлами анча кенгайган.

Молиявий натижалар таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзуни таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охирги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилади. Таҳлил жараёнида 1.3-чизмада келтирилган мантиқий кетма-кетликдаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Савдо корхоналарида молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- келган фойданни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;



### **1.3-чизма. Фойда ва рентабелликни таҳлил қилиш кўрсаткичлари.**

- корхонанинг ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омилларни таҳлил қилиш;
- асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан
- умумхўжалик фаолиятидан келган фойдани ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;
- солик тўлангунга қадар фойда ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;

- соф фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омилларни ҳамда фойда миқдорини ошириш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш;
- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг рентабеллик даражасини ошириш чора-тадбирлрини ишлаб чиқиш.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишда асосий ахборот манбаси сифатида 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» дан фойдаланилади. “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” (2-шакл) маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) жараёнининг якуний маҳсули бўлиб, у ички ва ташқи фойдаланувчилар учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга таҳлил жараёнида корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» (4-шакл), «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-шакл) маълумотлари ва ҳисоб-китоблари қўлланилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг 2-шакли «Молиявий натижалар тўғисидаги» ҳисобот шаклида ифодаланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот чораклик ҳисобот шаклига кириб, барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шакли уларнинг ҳар бир шаклланиш қатори бўйича тўлиқ ахборотларни олиш имконини беради. Бу ахборотлар ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларининг манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайди. Агар шундай бўлганда эди, молиявий ҳисоботни тузиш қоидаси бузилган бўлар эди. Негаки, молиявий ҳисоботдаги маълумотларда ҳеч қачон бир туркум ахборот фойдаланувчилар фойдасига, бошқа туркум зарари ҳисобига акс эттиришлар бўлмаслиги талаб этилади.

## **1 боб бўйича хуроса**

1.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо фойдасининг ижтимоий иқтисодий моҳияти, вазифалари кўрсатиб берилди ва илмий таърифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, жамиятнинг, жамоанинг ва ҳар бир ходимнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурият эканлиги назарий жиҳатдан исботланди.

2.“Харажатлар таркиби тўғрисидаги...” Низомни халқаро андозаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлигини эътироф этиш билан бирга, уни кўп жиҳатларини такомиллаштириш кераклиги илмий жиҳатдан асосланди. Ушбу Низомнинг айрим қисмларида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, хусусан, савдо соҳасининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдаги ўзига хос хусусиятлари етарли даражада инобатга олинмаган. Ишда шулардан келиб чиқиб, умумий методологик усулларга асосланган ҳолда, савдо корхоналарининг молиявий натижалари шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

3.«Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларда барча харажатлар, мулк шаклидан қатъий назар 4 гурухга бўлинган; маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар; давр харажатлари; молиявий фаолият бўйича харажатлар; тасодифий заарлар. Харажатларнинг ушбу таснифига кўра муомала харажатлари давр харажатлари таркибига киритилган. Муомала харажатлари ва давр харажатлари икки хил тушунча бўлиб, мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласди. Шу боис, уларни баҳолаш ва ҳажмини аниқлашнинг имкони йўқлиги асослаб берилди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларининг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлик кўргина харажатлар борки, уларнинг таснифи ва ҳисобга олиш усули Низомда кўзда тутилмаганлиги ҳам амалий жиҳатдан асосланди.

3. Савдо тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, товарларни сотишдан тушган ялпи фойдани ялпи даромаддан фақат сотиш харажатларини чегиришни, асосий фаолиятдан кўрилган фойдани ялпи фойдадан маъмурий харажатларни, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа харажатларни, келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатларини айириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини қўшиш орқали аниқлаш лозимлиги асосланди ва тавсиялар берилди.

4. Молиявий ҳисобот иқтисодий таҳлил талабларига жавоб бериши керак. Шу сабабли, уни тузиш ва фойдаланишда қўлланадиган тамойилларга амал қилиш лозим. Хусусан, молиявий ҳисоботни тузишда тармоқ тамойилига амал қилинса, алоҳида олинган иқтисодиёт соҳалари (савдо, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги) бўйича тўғри ва аниқ маълумотлар олиш, асосли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкони бўлади. Аммо, “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да (2-шакл) берилган кўрсаткичларни қайси тармоқقا мансублигини аниқлаш қийин. Шу боис, ушбу шаклда берилган кўрсаткичлар ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун изоҳ ва эслатмалар бериш керак. Масалан, маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум (010 сатр) - савдо корхоналарида товар айланмаси ҳажмини, қурилиш ташкилотларида эса бажарилган ва буюртмачига топширилган қурилиш – монтаж ишлар ҳажмини кўрсатиши ва бошқа кўрсаткичлар иловада очиб берилиши керак.

## **2 БОБ. САВДО КОРХОНАЛАРИДА ФОЙДАНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **2.1. Ялпи даромад ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш**

Савдо корхоналарининг ялпи даромад ва фойда кўрсаткичлари уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, бу борада иқтисодий адабиётларда асосан ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий натижаларини таҳлил қилишга доир умумий методологик усуллар ёритилган. Иқтисодиётнинг турли тармоқларини, хусусан савдо корхоналарининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулига оид ишлар иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Шу боисдан мазкур ишда “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти мисолида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш усули ҳамда уни такомиллаштириш йўллари ёритиб берилган.

Маълумки, хўжалик ҳисобининг энг муҳим тамоилларидан бири бу - ҳар бир савдо корхонасининг ўз харажатларини товарларни сотиш натижасида олинган ўз даромадлари ҳисобидан қоплаб, фойда олишини таъминлашдир.

Муомала харажатлари ва давр харажатларини қоплайдиган, савдо корхоналарига фойда келтирадиган асосий манба – ялпи даромад ҳисобланади. Ялпи даромад товарларга қўйилган устама баҳо ва савдо чегирмаси ҳисобига ташкил топади. Устама баҳо улгуржи баҳога нисбатан фоиз ҳисобида белгиланиб, истеъмолчилардан ундириб олинади. Агарда савдо корхоналари товарларни чакана баҳо бўйича қабул қилсалар, у ҳолда корхоналар томонидан улар фойдасига савдо чегирмаси берилади.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-шакл) бўйича ялпи даромад товарларни сотиб олиш ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ ҳисобига ҳосил бўлади (030-сатр = 010-сатр – 020-сатр).

Ялпи даромад ҳолатини ифодаловчи қўрсаткичлар бўлиб, унинг мутлақ миқдори ва нисбий даражаси ҳисобланади. Мутлақ ифода ялпи даромад суммаси бўлса, нисбий ифода ялпи даромад суммасининг чакана товар айланмаси ҳажмига нисбатан ҳисобланган даражаси ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, савдо чегирмаси ва устама баҳоларнинг илмий жиҳатдан асосланган меъёрларини белгилаш савдо ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва даромадлилик даражасини таъминлашнинг муҳим шартидир. Бу борадаги мавжуд муаммоларга кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

Савдо чегирмалари миқдорининг асоссиз равища оширилиши савдо корхоналарининг фаолият қўрсатиш сифатидан қатъи назар, уларга юқори даромад олишни таъминлайди. Аксинча, савдо устама баҳоси ва чегирмалари миқдорининг асоссиз тарзда камайиб кетиши харажатларни қопламайди, натижада уларнинг молиявий ҳолатида бекарорлик юзага келиб, иқтисодий инқироз хавфи туғилади.

Савдо корхоналари товарларни сотиш натижасида ялпи даромад олибгина қолмасдан бошқа фаолиятлар юзасидан ҳам даромад олиши мумкин.


«Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомга кўра хўжалик субъектларининг даромади қуидагилардан иборат (2.1-чизма).

Бу тарзда даромадларни таснифлаш савдо корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятига холисона баҳо бериш имконини беради.

1. Товарларни сотишдан келган ялпи даромад.

1.1. Товарларни сотишдан келган ялпи даромад товарларни сотиб олиш ва сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ ҳисобига ҳосил бўлади.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи савдо корхоналари даромадни амалдаги қонунда кўзда тутилган тартибда ҳисблайдилар.



## **2.1-чизма. Савдо корхоналари даромадлари таркиби.**

1.3. Товарларни сотишдан олинадиган даромад Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги Низомга мувофиқ аниқланади.

2. Савдо корхоналарининг асосий фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар (операцион даромадлар).

2.1. Товарлар етказиб бериш бўйича тузилган хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун тўланадиган жарима, пеня ҳамда заарларни қоплаш юзасидан даромадлар.

2.2. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари.

2.3. Товарларни сотиш билан бевосита боғлик бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар, масалан, рента даромади, савдо ташкилоти ошхонаси ва ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар.

2.4. Савдо корхоналари мулкларини сотишдан олинадиган даромадлар.

2.5. Тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларни тегишли ҳисоб рақамига ёзишдан олинадиган даромадлар.

2.6. Давлат субсидиясидан олинадиган даромад.

2.7. Текин (бепул) молиявий ёрдам.

2.8. Товар-моддий бойликларни қайта баҳолаш.

2.9. Бошқа операцион даромадлар.

3.Молиявий фаолиятдан олинадиган даромад.

3.1.Олинган роялти ва капиталнинг трансферти.

3.2.Ўзбекистон Республикаси худуди ва унинг ташқарисида жойлашган корхона фаолиятида ўз улуши билан қатнашишдан олинадиган даромадлар ҳамда корхонага қарашли акциялардан олинадиган дивиденdlар.

3.3.Узок муддатли ижарага берилган мулкдан олинадиган даромад (лизинг).

3.4.Шўъба ва қарам жамиятлардан олинган дивиденdlар.

3.5.Бошқа олинган дивиденdlар.

3.6.Шўъба ва қарам жамиятларга берилган қарзлар бўйича фоизлар.

3.7.Бошқа олинган фоизлар.

3.8.Чет эл валюталари операциялари ва валюта счетлари бўйича мусбат курс фарқлари.

3.9.Қимматли қоғозлар, шўъба корхоналари ва бошқаларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинадиган даромадлар.

3.10.Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар.

4.Тасодифий фойда.

Тасодифий фойда моддалари бу - олиниши кутилмаган, корхона ва ташкилотлар фаолиятидан ташқаридаги ҳолатлар ва муомалалар оқибатида олинган ғайриоддий хусусиятга эга фойдадир. Бунга асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар бўлимида кўрсатиладиган ўтган даврлардаги даромадлар кирмайди.

Таҳлил жараёнида савдо корхоналари жами даромадлари ва уларнинг турлари амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқланиб, уларни умумий ҳолатини ўрганиш керак. Бунинг учун қуйидаги жадвални ҳавола этамиз, (2.1-жадвал).

2.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринишича, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича жами даромад ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 135,4 фоизга ўсган. Жами даромадлар

## 2.1-жадвал

### **“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти жами даромадларининг таркиби ва ўсиш суръати**

| Кўрсаткичлар  | 2012 йил                 |               | 2013 йил                 |               | Фарқи                    |               | Ўсиш<br>суръ-<br>ати,<br>% |
|---|--------------------------|---------------|--------------------------|---------------|--------------------------|---------------|----------------------------|
|   | мутлақ<br>ҳажми,<br>м.с. | салмоғи,<br>% | мутлақ<br>ҳажми,<br>м.с. | салмоғи,<br>% | мутлақ<br>ҳажми,<br>м.с. | салмоғи,<br>% |                            |
| Жами даромад<br>Жумладан:                             | 37594,4                  | 100           | 50900,6                  | 100           | +13306,2                 | -             | 135,4                      |
| А) товарларни<br>сотишдан<br>олинган ялпи<br>даромад  | 26051,90                 | 69,28         | 46700,60                 | 91,75         | +20648,7                 | +22,47        | 179,2                      |
| Б) асосий<br>фаолиятдан<br>келган бошқа<br>даромадлар | 11542,50                 | 30,70         | 4200,00                  | 8,25          | -7342,5                  | -22,45        | 36,39                      |
| В) молиявий<br>фаолиятдан<br>кўрилган<br>даромад      | 0                        | 0             | 0                        | 0             | 0                        | 0             | 0                          |
| Г) тасодифий<br>даромад                               | 0                        | 0             | 0                        | 0             | 0                        | 0             | 0                          |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари.

таркибida товарларни сотишдан кўрилган ялпи даромад улуши 69,28-91,75 фоизни ташкил этди. Асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадларнинг улуши 2012 йил 30,70 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йил 8,25 фоиздан иборат бўлди. Молиявий фаолиятдан ва тасодифий даромадлардан таҳлил йилларида фақат зарар кўрилган.

Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад ҳажмини қатор йиллар бўйича ўсиш суръатини белгилаб олиш керак. Ялпи даромад ҳажмини ҳисоблаш учун қуиддаги 2.2 -жадвални ҳавола этамиз.

2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича ялпи даромад ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 20648,7 минг сўмга ошган ёки ўсиш суръати 179,2

## 2.2-жадвал

### “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти ялпи даромад ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

| Тартиб<br>рәқами | Кўрсаткичлар   | 2012<br>йил | 2013<br>йил | Мутлақ<br>ҳажми,<br>(+,-) | Фоиз<br>хисоби-<br>да,(%) |
|------------------|--|-------------|-------------|---------------------------|---------------------------|
| 1                | Чакана савдо товар айланмаси<br>(O <sub>1</sub> )                          | 110317,50   | 140101,70   | +29784,2                  | 26,9                      |
| 2                | Товарларни сотишдан тушган<br>ялпи даромад ҳажми (Н)                       | 26051,90    | 46700,60    | +20648,7                  | 79,2                      |
| 3                | Ялпи даромад даражаси<br>(2к : 1к x 100 ), % хисобида<br>(O <sub>2</sub> ) | 23,6154     | 33,3333     | +9,7179                   | 41,1                      |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботи маълумотлари.

фоизни ташкил этди. Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига иккита омил таъсир кўрсатди.

1. Чакана савдо товар айланиш ҳажмининг ўзгариши (миқдорий омил).
2. Ялпи даромад даражасининг ўзгариши (сифат омил).

Ушбу омиллар таъсирини мутлақ фарқлаш усули (детерминлашган омил), занжирли алмаштириш усуллари орқали аниqlаш мумкин.

Омиллар таъсирини детерминлашган усул орқали ҳисоблашнинг можияти қўйидагича: миқдор омилда бўлган фарқни сифат омилиниң база (асос) даражасига, сифат омилида бўлган фарқни эса миқдор омилиниң ҳақиқатдаги даражасига қўпайтириш керак. Бу усулни формула орқали ифодаланиши қўйидагича:

$$\Pi H = O_1 \times O_2 \quad (2.1)$$

Бу ерда:

$\Pi H$  – пировард натижа;

$O_1, O_2$  - омиллар.

Натижа ўзгариши:

$$\Delta H = H^x - H^y = (O_1^x \times O_2^x) - (O_1^y \times O_2^y); \quad (2.2)$$

Бу ерда:

H- натижа;

X – ҳақиқий миқдор;

Ү – ўтган даврдаги миқдори .

Натижани биринчи омил эвазига ўзгариши:

(2.3)

$$\Delta H_o = (O_1^x - O_1^y) \times O_2^y ;$$

Натижани иккинчи омил эвазига ўзгариши:

$$\Delta H_o = (O_2^x - O_2^y) \times O_1^y ; \quad (2.4)$$

Икки омилни таъсири:

$$\Delta H = \Delta H_{01} \pm \Delta H_{02} \quad (2.5)$$

Ушбу формула ва 2.2-жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ҳисобкитобини ҳавола этамиз.

2.2-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича ялпи даромад ҳажми 20648,7 минг сўмга ошган. Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар амалдаги усуллар билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа кўрсаткичига иккита омил таъсир кўрсатади:

1. Чакана товар айланмасининг ўзгариши:  $\Delta H_o = (O_2^x - O_1^y) \times O_2^y = +140101,70 - 110317,50 \times 23,6154 / 100 = +7033,6$

Демак, чакана товар айланмасининг 29784,2 минг сўмга кўпайиши натижасида, ялпи даромаднинг ҳажми 12,612 минг сўмга ошган.

2. Ялпи даромад ўртача даражасининг ўзгариши:  $\Delta H_o = (O_2^x - O_2^y) \times O_1^y = +33,3333 - 23,6154 \times 140101,70 / 100 = +13614,9$  минг сўм. Демак, устама баҳо даражасининг 9,7179 га ошиши натижасида, ялпи даромад ҳажми 3614,9 минг сўмга кўпайган.

Шундай қилиб, иккала омил таъсирининг ўзгариши ялпи даромад суммасида бўлган фарқни беради, яъни:  $\Delta H = \Delta H_{01} \pm \Delta H_{02} = (+7033,6) +$

(13614,9 ) =20648,5 минг сўм (20648,7 - 20648,5 = 0,2 минг сўм фарқ рақамларни бутунлаш ҳисобига бўлди).

Иқтисодчи олим А.Х.Шоалимовнинг фикрича: “Устама баҳонинг ўртача даражаси илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарининг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини оширишда индикатор вазифасини бажаради”<sup>12</sup>.

Маълумки, ўртача ялпи даромад даражаси иқтисодий жиҳатдан асосланган миқдорининг белгиланиши ва ўзгариши савдо корхоналарининг жойлашган ўрни, товар айланиш ҳажми улушининг ўзгариши, айрим товар гурухлари бўйича савдо чегирмалари ва майда улгуржи товар айланиши ҳажмининг ўзгариши кабиларга боғлик.

Савдо чегирмаларини айрим товар ва товар гурухлари бўйича таснифлаштириш товарларни сотиш билан боғлик бўлган муомала харажатларининг бир хил эмаслиги билан боғлиқдир. Шунга кўра, савдо чегирмаларининг энг юқори миқдори энг кўп меҳнат сарфланадиган ёки уларни сақлаш учун маҳсус шароитлар ва қўшимча ишлов беришни талаб қиласидиган, нисбатан секин айланадиган, муомала харажатлари даражасини ошириб юборадиган товарларга белгиланади. Демак, энг юқори савдо чегирмалари қўйиладиган товарлар: сабзавот ва картошка, минерал сувлар, туз, чинни буюмлар, қурилиш материаллари ҳисобланади. Айтилганлардан ташқари, ўртача ялпи даромад даражасининг ўзгаришига товар айланиш ҳажми таркибида айрим товарлар ҳиссасининг юқори ва паст даражадаги савдо чегирмаси бўлиши ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Энди пировард натижага таъсир этувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.3-жадвал).

2.3-жадвал маълумотларидан кўринишиб турибдики, олинган натижа пировард натижага таъсир қилувчи омилларни фарқлаш усули орқали ҳисобланган натижага tengdir (0,1 минг сўм фарқ бутунлаш ҳисобига бўлди.

<sup>12</sup> Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. –Т.: Иқтисодиёт, 2014. -196 б.

## 2.3-жадвал

### Омиллар таъсирини занжирили алмаштириш усули билан аниқлаш

| Ҳисобнинг<br>тартиб сони          | Алмаштириши<br>нг тартиб сони | Ҳисоб формуласи таркибига<br>кирувчи омиллар |                                    | Пировард<br>натижа – ялпи<br>даромад, 1ус x 2<br>ус. | Олдинги<br>ҳисобга<br>нисбатан<br>фарқ, |
|-----------------------------------|-------------------------------|--|------------------------------------|--|---|
|                                   |                               | чакана савдо<br>товар айланниш<br>ҳажми,     | ўртача ялпи<br>даромад<br>даражаси |  |   |
| A                                 | B                             | 1  | 2                                  | 3  | 4                                       |
| 1                                 | -                             | 110317,50                                    | 23,6154                            | 26051,92   | -                                       |
| 2                                 | 1                             | 140101,70                                    | 23,6154                            | 33085,58   | +7033,66                                |
| 3                                 | 2                             | 140101,70                                    | 33,3333                            | 46700,52   | +13614,94                               |
| Омиллар баланси:+20648,6 минг сўм |                               |  |                                    |  |   |

Биз тавсия қилган янги усул билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа кўрсаткичига тўртта омил таъсир кўрсатади:

- сотиш баҳосининг ўзгариши;
- товарлар таннархининг ўзгариши;
- чакана товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши;
- товарлар таркибининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қўйидаги ҳисоб-китобни ҳавола этамиз, (2.4-жадвал).

## 2.4-жадвал

### Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

(минг сўм)

| №  | Кўрсаткичлар           | Ҳақиқатда<br>ўтган йил | Шартнома<br>(эркин баҳода) | Ҳақиқатда<br>ҳисобот<br>йили |
|----|------------------------|------------------------|----------------------------|------------------------------|
| 1. | Чакана товар айланмаси | 110317,50              | 128965,26                  | 140101,70                    |
| 2. | Товарлар таннархи      | 84265,60               | 89646,80                   | 93401,10                     |
| 3. | Ялпи даромад (1қ – 2қ) | 26051,90               | 38318,46                   | 46700,60                     |

Манба: Молиявий натижалар таҳлилиниң умум методологик асосларига таянган холда тадқиқотчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган.

2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, натижавий кўрсаткич 20648,6 минг сўмга ошган. Бунга қуидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1. Товарларни сотиш баҳосининг ўзгариши. Ушбу омилнинг таъсири чакана товар айланмасида акс этади. Ҳақиқатда ҳисбот йилида сотилган товарлар ҳажми сотиб олинган товарларнинг шартнома баҳоси билан таққосланади, яъни:  $140101,70 - 128965,26 = +11136,44$  минг сўм.

2. Товарлар таннархининг ўзгариши. Товарлар таннархи қанча камайса, ялпи даромад мутаносиб нисбатда кўпаяди:  $93401,10 - 89646,80 = +3754,3$  минг сўм. Демак, товарлар таннархининг  $3754,3$  минг сўмга ошиши ўз навбатида ялпи даромадни шунча суммага камайтирган.

3. Чакана товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши. Ушбу омил асосан савдо корхонасининг фаолиятига боғлиқ бўлиб, товарлар қанча кўп сотилса, ялпи даромад ҳам шунча кўп бўлади. Унинг таъсирини ҳисоблаш усули қуидагича:

А. Чакана товар айланмаси ҳажми бўйича ўсиш суръати аникланади, яъни:  $128965,26 : 110317,50 \times 100 = 116,90$  фоиз.

Б. Чакана товар айланмаси бўйича қўшимча ўсиш суръати ҳақиқатда ўтган йили олинган ялпи даромад ҳажмига кўпайтирилиб, сўнгра 100 га тақсимланади, яъни:  $16,90 \times 26051,90 : 100 = +4402,8$  минг сўм. Демак, сотилган товарлар ҳажмининг 16,90 фоизга ошиши савдо корхонасига 4402,8 минг сўм ялпи даромад келтирган.

4. Товарларнинг таркибий ўзгариши. Маълумки, турли хил товарларнинг рентабеллик даражаси турлича бўлади. Бинобарин, савдо корхоналарининг товарлар ассортименти ўзгарса, у ҳолда улар даромад ёки зарар кўришлари мумкин. Бу усулда чакана товар айланмаси ҳажми бўйича ўсиш суръати ҳамда товарларнинг таннархи бўйича ўсиш суръатидаги фарқ товарлар таннархининг ўтган йилдаги ҳақиқатдаги суммасига кўпайтирилиб, сўнгра 100 га тақсимланади, яъни:

а) чакана товар айланмасининг ўсиш суръати  $[128965,26 : 110317,50 \times 100] = 116,90\%$ ;

б) товарлар таннархининг ўсиш суръати [89646,80: 84265,60 x100] =106,38 %;

в) ўсиш суръатларидағи фарқ  $[116,90 - 106,38] = +10,52\%$ ;

г)  $+10,52 \times 84265,60 : 100 = +8864,7$  млн. сўм.

Демак, товарлар ассортименти ва таркиби ўзгариши эвазига 8864,7 минг сўм ялпи даромад олинган.

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган тўртта омилнинг таъсири 20649,1 минг сўмни  $[ (+11136,44) + (-3754,3) +(+4402,8) +(+8864,7) ]$  ташкил этади. Бу сумма эса ялпи даромад ҳажмида бўлган умумий фарқ 20649,1 сўмга тўғри келади. Ҳосил бўлган 0,44 минг сўм ( $20649,1 - 20648,7$ ) рақамларни бутунлаш эвазига содир бўлди.

Ҳозирги вақтда товар ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларининг иқтисодий механизми фақат устама баҳолар орқали намоён бўлиб, харид қилинган товарларга қўйиладиган устама баҳони ҳам савдо соҳаси ҳал қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида баҳонинг илмий жиҳатдан асосланган шаклланиш механизмини яратиш ўз ечимини кутаётган ўта долзарб муаммолардан бири, аниқроғи – энг муҳимиmdir. Ҳозирги баҳо тизимиға кўра ҳар қандай товарга қўйиладиган чакана баҳо товар ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналарининг харажатлари ҳамда бозор иқтисодиётига боғлиқ омиллар – талаб ва таклифлар, бозор конъюктураси ҳамда савдо корхоналарининг ўзаро рақобат кураши асосида шаклланмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, устама баҳо чакана баҳонинг таркибий қисми бўлгани боис унинг даражаси муайян товарнинг чиқимдорлиги ва рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак. Аммо устама баҳони белгилашда ушбу тамойилга амал қилинмаяпти.

Бизнинг фикримизча, товарнинг чиқимдорлигини аниқлаш товарларни ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, савдо соҳаси учун ҳам энг долзарб муаммолардан саналади. Унинг муҳимлиги икки жиҳат билан боғлиқ:

- биринчидан, ҳозирги вақтда муомала харажатлари ҳисоби ва таҳлили товар айланмасидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда, чунки чиқимдорликнинг тегишли кўрсаткичлари мавжуд эмас;
- иккинчидан, товар гуруҳлари ва муайян товар бўйича муомала харажатларини ҳисобга олмасдан туриб савдо устама баҳолар тизимини такомиллаштириш мумкин эмас.

## **2.2. Фойда кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш усуслари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, фойда кўрсаткичлари уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Фойда кўрсаткичи кенг қамровли тушунчадир. Бу борада хорижда А.Д.Шеремет, Е.В. Негашевлар<sup>13</sup>, Г.В.Савицкая<sup>14</sup> ва мамлакатимизда М.Қ.Пардаев<sup>15</sup> А.Х.Шоалимов<sup>16</sup> ва бошқалар томонидан чоп этилган иқтисодий адабиётларда тегишли тавсиялар берилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи мезон - соф фойдадир. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги” Низомга асосан оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, давр харажатлари ва муомала харажатлари икки мустақил иқтисодий тоифа бўлгани боис, савдо соҳасида давр харажатлари таркибига маъмурий харажатларни, бошқа операцион

---

<sup>13</sup> Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. –М.: ИНФРА-М. 2007.

<sup>14</sup> Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия -М.: ИНФРА-М. 2009.

<sup>15</sup> Пардаев М.Қ. , Хасанов Б.А. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.: Чўлпон. 2012.

<sup>16</sup> Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Молиявий ва бошқарув таҳлил. – Т.: ТДИУ, 2010 й.

харажатларни ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини киритишни, сотиш харажатларини эса муомала харажатлари мақомида қабул қилиб уни товарларни сотишдан тушган ялпи фойдани аниқлашда қўлласак мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таҳлил қилиш авваламбор, савдо корхонасининг ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан бошланади, (2.5-жадвал).

## **2.5-жадвал**

### **“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг товарларни сотишдан келган ялпи фойда ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар**

#### **тахлили**

| <b>№</b> | <b>Кўрсаткичлар</b>   | <b>2012 йил</b> | <b>2013 йил</b> | <b>Мутлоқ фарқи (+,-)</b> |
|----------|---|-----------------|-----------------|---------------------------|
| 1        | Чакана савдо товар айланмаси  | 110317,50       | 140101,70       | +29784,2                  |
| 2        | Товарларни сотишдан тушган ялпи даромад ҳажми   | 26051,90        | 46700,60        | +20648,7                  |
| 3        | Ялпи даромад даражаси ( $2\kappa : 1\kappa \times 100$ ), % ҳисобида                    | 23,6154         | 33,3333         | +9,7179                   |
| 4.       | Муомала харажатлари (сотиш харажатлари)   | 27080,70        | 14327,80        | -12842,9                  |
| 5.       | Муомала харажатларини ўртacha даражаси ( $4\kappa : 1\kappa \times 100$ ) фоиз ҳисобида | 24,5480         | 10,2267         | -14,3213                  |
| 6.       | Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда (зарар) [2κ-4κ]                                   | 1028,8 (-)      | 32462,8         | +31434,0                  |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи маълумотлари.

2.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятида товарларни сотишдан тушган ялпи фойда бўйича йил бошида зарар кўрилган. Чунки корхонада сотиш харажатларининг ҳажми ялпи даромад ҳажмидан кўп бўлган. Йил охирига келиб эса товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажми 32646,8 минг сўмни ташкил қилган. Жамиятда муомала харажатлари (сотиш харажатлари) йил бошида 27080,70 минг сўмни, охирида эса 14327,80 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 12842,9 минг сўмга камайган. Муомала

харажатларининг ўртача даражаси ҳам мутаносиб тарзда 14,3213 фоизга пасайган.

Товарларни сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмининг мутлақ ўзгаришига қуидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1.Чакана товар айланмаси ҳажмининг 29784,2 минг сўмга ошиши ялпи фойда ҳажмини оширган.

2.Устама баҳонинг ўртача даражасини ошиши ҳам товарлар сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмини ошишига сабаб бўлган.

3.Муомала харажатларининг ўртача даражасини камайиши, ялпи фойда миқдорини камайтирган.

Шундай қилиб, товарларни сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмига учта омил таъсир кўрсатяпти.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойда асосан савдо корхоналарининг товарларни сотишдан олган фойдасини тавсифлайди. Бу фойдани аниқлаш учун товарларни сотишдан тушган ялпи фойдадан давр харажатлари (маъмурий харажатлар) ва асосий фаолиятдан олинган бошқа харажатлар чегирилиши, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши тавсия этилган.

Савдо корхоналарида асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга баҳо беришда маъмурий харажатлар (давр харажатлари), асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳамда харажатларни ҳам таҳлил қилиш керак.

Маъмурий харажатлар қаторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидаги салмоғи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппаратининг хизмати харажатлариdir.

Бошқа операцион харажатлари қаторига савдо хизматини такомиллаштириш, янги товарларни олиб келиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишилари таҳлил этилади. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромад ва харажатлар кўпинча операцион даромадлар ва харажатлар деб ҳам айтилади. Операцион харажатлар ва даромадлар қаторига бошқа сотишлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишилар киради.

Асосий фаолиятдан олинган фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун куйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади, (2.6-жадвал).

## **2.6-жадвал**

### **“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича асосий фаолиятдан кўрилган фойда ҳажмининг ўсиш суръати**

| <b>№</b> | <b>Кўрсаткичлар</b>  | <b>2012 йил</b> | <b>2013 йил</b> | <b>Мутлақ фарқ, (+,-)</b> |
|----------|--|-----------------|-----------------|---------------------------|
| 1        | Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда (зарар)                                  | (-)1028,8       | 32462,8         | +31434,0                  |
| 2        | Давр харажатлари (маъмурий харажатлар)   | -               | -               | -                         |
| 3        | Бошқа операцион даромадлар (харажатлар)  | 11542,50        | 4200,00         | -7342,5                   |
| 4        | Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари | -               | -               | -                         |
| 5        | Асосий фаолиятидан олинган фойда (зарар)(1қ-2қ+,-3қ-4қ)                        | 10513,70        | 36572,80        | +26059,1                  |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи маълумотлари.

2.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилаётган савдо корхонасида асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажми 2013 йил охирида йил бошига нисбатан 26059,1 минг сўмга ошган. Бу ўзгаришга таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китобини куйидаги жадвалда кўриб чиқамиз (2.7-жадвал).

## 2.7-жадвал

### Асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларини аниқлаш ҳисоб-китоби

| Ҳисобнинг тартиб сони               | Алмаштиришинг тартиб сони | Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар     |                            | Пировард натижа – Асосий фаолиятидан олинган фойда (1y+2y) | Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, |
|-------------------------------------|---------------------------|---|----------------------------|--|--------------------------------|
|                                     |                           | Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда (зарар) | Бошка операцион даромадлар |  |                                |
| A                                   | Б                         | 1   | 2                          | 3  | 4                              |
| 1                                   | -                         | 1028,8  | 11542,50                   | 10513,70   | -                              |
| 2                                   | 1                         | 32462,8                                       | 11542,50                   | 44005,3  | +33491,6                       |
| 3                                   | 2                         | 32462,8                                       | 4200,00                    | 36572,80   | -7432,5                        |
| Омиллар баланси: + 26059,1 минг сўм |                           |   |                            |  |                                |

2.7-жадвал маълумотларидан кўринишича , таҳлил объектида асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсир қилди:

1. Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмини ошиши ҳисобига асосий фаолият фойдаси 33491,6 минг сўмга кўпайди.
2. Бошка операцион даромадлар ҳажмининг камайиши асосий фаолият фойдасини 7432,5 минг сўмга пасайишига олиб келди.

Шундай қилиб, ҳисобланган иккита омилнинг таъсири натижавий кўрсаткичга teng: (+33491,6) +(-7432,5) = +26059,1 минг сўм.

Одатда, операцион даромадларни асосий қисми хўжалик шартномасига мувофиқ мол етказиб бериш бўйича шартномаларни бажармаганлиги учун тўланадиган жарима, пеня (ўсим) ҳамда юзага келган зарарларни қоплашдан тушган даромадлар, ҳисбот йили аниқланган ўтган йилдаги фойда микдори, асосий фонdlар ва бошқа моддий бойликларни сотишдан келадиган даромадлар, тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзлари, савдо корхонасининг ошхонаси, ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлардан иборат бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, соф фойда миқдори фақат бир асосий фаолиятгагина боғлиқ эмас. Унинг шаклланишида бир қатор қўшимча фаолиятлар ҳам мавжудки, уларнинг савдо корхоналари соф фойдасининг шаклланишидаги ҳиссаси катта. Булар қаторига молиявий фаолиятдан олинадиган фойда (зарар), тасодифий фойда (зарар)лар киради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти яна ҳам кенгайиб бормоқда. Субъектлар давр тараққиёти билан шаҳдам қадам ташлаш мақсадида ўз фаолиятининг турларини кўпайтиради ва ривожлантиради. Ушбу ўзига хос турлари ҳозирги даврда кенг ва тезкор ривожланиб бораётган молиявий фаолиятдир. Ҳозирги даврда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятида молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зараларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Молиявий фаолиятдан юзага келадиган харажатлар улушининг ортиши корхоналарни инқирозга олиб келиши мумкин.

“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда таҳлилини ҳавола этамиз, (2.8-жадвал).

## 2.8-жадвал

### “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойданни таҳлили

| № | Кўрсаткичлар  | 2012<br>йил | 2013<br>йил | Мутлақ<br>фарқ,<br>(+,-) |
|---|---|-------------|-------------|--------------------------|
| 1 | Асосий фаолиятидан олинган фойда<br>(зарар)         | 10513,70    | 36572,80    | +26059,1                 |
| 2 | Молиявий фаолиятдан даромадлар                      | -           | -           | -                        |
| 3 | Молиявий фаолиятдан харажатлар                      | 10100,00    | 31200,00    | +21100,0                 |
| 4 | Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда<br>(1қ+2қ-3қ) | 413,70      | 5372,80     | +4959,1                  |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари.

2.8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган савдо корхонаси бўйича умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда ҳажми


2013 йил бошида 413,70 минг сўмни, охирида эса 5372,80 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 4959,1 минг сўмга ошган.

1. Асосий фаолиятдан тушган ялпи фойда ҳажмини 26059,1 минг сўмга ошиши ҳисобига умумхўжалик фаолияти фойдаси қўпайган.

2. Молиявий фаолиятдан харажатларнинг 21100,0 минг сўмга кўпайиши умумхўжалик фаолияти фойдасини камайишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, ҳисобланган иккита омилнинг таъсири натижавий кўрсаткичга teng:  $(+26059,1) + (-21100,0) = +4959,1$  минг сўм.

Юқорида таъкидланганидек, тасодифий фойда (зарар) бу - олиниши кутилмаган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан ташқаридағи ҳолатлар оқибатида олинган (кўрилган) ғайриоддий хусусиятга эга фойда (зарар)дир. Бунга асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар (харажатлар) кирмайди.



## 2.2-чизма. Тасодифий фойда мезонига қўйилган талаблар.

Савдо корхоналарининг одатий хўжалик фаолиятида шундай моддалар юзага келиши мумкинки, улар фақат ғайриоддий ёки кутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкин. Масалан, чет эл валютаси бўйича операцияларидан кўрилган зарар кутилмаган зарар, лекин тасодифий эмас,

зера валюта курсининг бекарорлиги натижасида содир бўлган заарлар оддий заарлар қаторига киради.

Фавқулодда заарлар қуидагилардан иборат:

1. Табиий оғат натижасида юзага келадиган катта миқдордаги йўқотишлар.

2. Сиёсий танглик натижасида пайдо бўладиган йўқотишлар.

3. Конун чиқарувчи ҳокимият томонидан қонунларни ўзгартириш натижасида юзага келадиган йўқотишлар.

Шундай моддалар ҳам борки, уларни фавқулодда заарлар таркибига киритиш ёки киритмаслик масаласи ташқи муҳитга (об – ҳаво, географик жойлашиш) боғлиқ. Масалан, хўжалик юритувчи субъект совуқ бўладиган минтақада жойлашган бўлса, у ҳолда ернинг қаттиқ совуқ бўлиши натижасида ҳосилнинг нобуд бўлиши фавқулодда ҳодиса эмас.

Энди “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича солиқ тўлангунга қадар фойда таҳлилини ҳавола қиласиз, (2.9- жадвал).

## 2.9-жадвал

### “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган бўйича солиқ тўлангунга қадар фойда ҳажмининг таҳлили

| Т.<br>р | Кўрсаткичлар                                      | 2012<br>йил | 2013<br>йил | Мутлақ<br>фарқ,<br>(+, -) |
|---------|---|-------------|-------------|---------------------------|
| 1.      | Умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда (зарар)    | 413,70      | 5372,80     | +4959,1                   |
| 2.      | Фавқулодда фойда (зарар)                          | -           | -           | -                         |
| 3.      | Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар)[1к. + , -2к] | 413,70      | 5372,80     | +4959,1                   |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи маълумотлари.

2.9-жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, таҳлил объектида солиқ тўлаганга қадар фойда йил бошида 413,70 минг сўмни, йил охирида эса 5372,80 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 4959,1 минг сўмга ошган. Жамиятда ҳисбот даврида фавқулодда фойда ва заарлар кўрилмаган.

## **2.3. Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили**


Савдо корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи барометр - соф фойда миқдоридир. Соф фойда савдо корхоналарининг бутун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма турлари бўйича, шу жумладан, товарларни сотиш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиги, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиги, тасодифий фойда ва заарлар қолдиги бўйича аниқланади.

Ташки ахборотдан фойдаланувчилар корхонанинг фойдалилик даражасига, ўз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга ҳам жиддий аҳамият беришади. Масалан, корхона мулкида ҳиссали қатнашувчилар акция эгалари келишувига ёки хусусий капиталдаги улушига қараб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг қолатига корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда билан қизиқсалар, инвестиция ҳомийлари эса корхона фаолиятининг барқарорлиги ва ўсиш даражаларига кўпроқ қизиқадилар.

Бугунги кунда корхона соф фойдасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин, (2.3-чизма ).

Таҳлил этишда хар бир омилнинг соф фойда ўзгаришидаги мутлоқ қийматлари аниқланади. Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади.

Соф фойданинг шаклланиши ва уни тўғри тақсимлаш ҳамда ундан оқилона фойдаланишда шундай мақбул тартибни қўллаш керакки, токи у савдо корхонаси жамоаси ва ҳар бир ходим меҳнатининг самарадорлигини оширишга бўлган моддий манфаатдорлигини ўз-ўзидан кучайтирсин.



### **2.3-чизма. Соф фойда ҳажмини ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар.**

Аммо юқорида таъкидланганидек, мазкур масала иқтисодий адабиётларда деярли тадқиқ қилинмаган. Шуни инобатга олган ҳолда, савдо корхоналарида соф фойданинг таркиб топиши, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш усувлари ҳамда соф фойдани

тақсимлаш борасидаги ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича айрим тавсияларни келтирамиз. Биринчи бобда ушбу масаланинг назарий қисмига батафсил тўхтатганимиз боис, бу ерда унинг услугбий ва амалий жиҳатига диққатни қаратмоқчимиз. Бунинг учун эса қуидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз, (2.10-жадвал).

## **2.10-жадвал**

### **“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича соф фойда (зарар) ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили**

| Т. р. | Кўрсаткичлар  | 2012 йил | 2013 йил | Мутлоқ фарқи (+,-) | Ўсиш сурати, % |
|-------|---|----------|----------|--------------------|----------------|
| 1     | Товарларни сотишдан тушган ялпи даромад               | 26051,90 | 46700,60 | +20648,7           | 1,8 марта      |
| 2     | Муомала харажатлари (сотиш харажатлари)               | 27080,70 | 14327,80 | -12842,9           | 52,91          |
| 3     | Асосий фаолиятдан кўрилган бошқа операцион даромадлар | 11542,50 | 4200,00  | -7342,5            | 36,39          |
| 4.    | Молиявий фаолиятдан кўрилган харажатлар               | 10100,00 | 31200,00 | +21100,00          | 3,1 марта      |
| 5.    | Даромад солиғи ва бошқа солиқлар, ажратмалар          | 4544,00  | 9691,60  | +5147,6            | 2,1 марта      |
| 6     | Хисобот даври соф фойдаси (зарари)                    | -413,70  | -4318.80 | +3905,5            | 10 марта       |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботи маълумотлари.

2.10-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хисобот даврида таҳлил қилинаётган савдо корхонаси фаолиятининг молиявий натижалари бўйича зарар кўрилган. 2013 йил бошида кўрилган зарар суммаси 413,30 минг сўмни, йил охирида эса 4318,80 минг сўмни ташкил қилган ҳолда 3905,5 минг сўмга ошган. Демак, зарар суммаси 10 марта кўпайган. Бу ўзгаришга қуидаги омиллар таъсир кўрсатган:

- товарларни сотишдан тушган ялпи даромаднинг кўпайиши ўз навбатида, соф фойда ҳажмини 20648,7 минг сўмга оширган;
- муомала харажатлари суммасининг камайиши соф фойда ҳажмини 12842,9 минг сўмга оширган;

- асосий фаолиятдан кўрилган бошқа операцион даромадларнинг камайиши соф фойда ҳажмини 7342,5 минг сўмга пасайтирган;
- молиявий фаолиятдан кўрилган харажатларнинг кўпайиши соф фойда ҳажмини 21100,00 минг сўмга камайтирган;
- даромад солиги ва бошқа солик ҳамда ажратмаларнинг кўпайиши соф фойда ҳажмини 5147,6 минг сўмга пасайтирган.

Шундай қилиб, ҳисобланган барча омиллар таъсирида “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти молиявий натижалари бўйича зарар кўрилган.

Омилли таҳлил натижа кўрсаткичини яхшилашнинг ички имкониятларини излаб топиш йўлларини аниқлаб берадиган энг муҳим иқтисодий воситалардан бири. Бинобарин, молиявий натижаларни омилли таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад фойда турлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни ҳисоблаш ҳамда фойда миқдорини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари суммасини аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга сафарбар қилишдан иборат. Шундай қилиб ҳисобланган 5 та омилдан 3 тасининг таъсири салбий бўлган. Демак, жамиятда зарар суммасини камайтирган ҳолда соф фойда ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар мавжуд бўлган.

Бинобарин, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бошқарув маъмурияти келажакда омилли таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, уларни амалиётга сафарбар қилиш йўлларини ишлаб чиқиши керак.

Солик тўлангунча қадар фойдани тақсимлаш деганда фойдани давлат бюджети даромадларини ташкил этишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг ички пул маблағлари фондларини барпо этишга ва уларнинг бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш тушунилади.

Фойдани тақсимлаш аввало, унинг умумий суммасидан алоҳида тартибда давлат бюджетига фойдадан (ялпи даромаддан) солик ҳамда бошқа солик ва ажратмалар ажратишни назарда тутади. Солиқлар

тўлангандан сўнг савдо корхоналари тасарруфида қоладиган соф фойда дивидендлар тўлашга ва захира сармояни тўлдиришга йўналтирилади. Тақсимланмаган қисми бухгалтерия баланси пассивининг I-бўлими «Ўз маблағлари манбалари» 450-сатри «Тақсимланмаган фойда» да кўрсатилади. Агар савдо корхонаси зарар кўрган бўлса, шу сатрда зарарнинг ҳали қопланмаган қисми кўрсатилиб, ўз маблағлари суммасининг якуни худди шу суммага камайтирилади (480-сатр).

Фойдани тақсимлаш замирида бутун жамият манфаатларини меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари билан уйғунлаштириш, уларда ўз фаолиятларини такомиллаштиришдан, фойдани ортиши ва ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий ривожланиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдаланишдан манфаатдорликни вужудга келтириш ётади.

Ҳозир давлатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун молиявий таъминоти барҳам топмоқда. Шу сабабли, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улуши кўпайиши керак. Фойда кўрсаткичларини омилли таҳлил усули амалиётда жорий қилинса, корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатини олдини олиш, молиявий ва иқтисодий салоҳиятни ошириш, ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо бериш имкони бўлади.

Молиявий ҳисобот таҳлил талабларига жавоб бериши керак. Хусусан, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да (2-шакл) молиявий натижалар тўғрисидаги кўрсаткич соф фойда билан тугайди. Молиявий ҳисоботни тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиқсан ҳолда, янги молиявий ҳисобот шакли “Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисидаги ҳисобот” (2Б-шакл) тавсия қилинди.

## 2.11-жадвал

### Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот - 2Б-шакл

| Кўрсаткичларнинг номи  | Қатор коди | Ўтган йили | Ҳисобот йили |
|--|------------|------------|--------------|
| Соф фойда  | 010        |            |              |
| Ишлатилиши:  |            |            |              |
| Қимматли қоғозлар бўйича дарормад тўлаш                      | 020        |            |              |
| Захира сармояни тўлдиришга                                   | 030        |            |              |
| Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тақомиллаштиришга           | 040        |            |              |
| Ижтимоий соҳани ривожлантиришга                              | 050        |            |              |
| Хайрия мақсадларига  | 060        |            |              |
| Молиявий қўйилмаларни ўсишига                                | 070        |            |              |
| Корхонанинг ўз акцияларини сотиб олишга                      | 080        |            |              |
| Тўланадиган ижара хақи                                       | 090        |            |              |
| Суғурта бадаллари  | 100        |            |              |
| Кадрларни тайёрлаш харажатлари                               | 110        |            |              |
| Кўрилган заарларни коплашга                                  | 120        |            |              |
| Бошқа харажатлар ва ажратмалар                               | 130        |            |              |
| Жами харажатлар ва ажратмалар йигиндиси (020 +, 130-сатрлар) | 140        |            |              |
| Тақсимланмаган фойда (010 – сатр – 140 сатр),                | 150        |            |              |

Раҳбар  
Бош бухгалтер

### 2 боб бўйича хулоса

Ушбу боб бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида савдо корхоналарида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини тақомиллаштиришга қаратилган хулоса ва амалий таклифларни бериш мумкин:

1. Савдо корхоналарининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидан олинган жами даромади ва уни турлари бўйича таснифлаш, таҳлил қилиш усулларига оид амалий тавсиялар берилди. Хусусан, ялпи даромаднинг ўзгаришига таъсир қилувчи янги омиллар аниqlаниб, уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётда татбиқ этиш тавсия қилинди. Савдо корхоналарида ялпи даромадни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан ҳам

фойдаланилди. Ушбу усуларни қўллаш йўллари, афзалик ва камчиликлари амалий маълумотлар мисолида кўрсатилди.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи энг муҳим мезон – фойда кўрсаткичидир. «Харажатлар таркиби тўғрисида ....» Низомга қўра фақат саноат корхоналари доирасида фойда турлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган. Шу боис, савдо тармоғининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, фойда турлари — ялпи фойда, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари фойдаси, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишни услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

3. Соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва савдо корхоналарида ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усуллари тавсия қилинди. Масалан, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятида соф фойда ҳажмини ошириш учун имкониятлар бўлган. Ҳисобланган 5 та омилдан 3 тасининг таъсири салбий бўлган. Шу боисдан ҳам корхонада ҳисбот даврида молиявий натижалар бўйича соф зарар кўрилган. Тадқиқот ишида тавсия қилинган фойда кўрсаткичларини омилли таҳлил усули амалиётда жорий қилинса, савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатини олдини олиш, молиявий ва иқтисодий салоҳиятни ошириш, ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо бериш имкони бўлади.

4. Молиявий ҳисбот таҳлил талабларига жавоб бериши керак. Хусусан, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот»да (2-шакл) молиявий натижалар тўғрисидаги кўрсаткич соф фойда билан тугайди. Молиявий ҳисботни тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиқсан ҳолда, янги молиявий ҳисбот шакли “Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисидаги ҳисбот” (2Б-шакл) тавсия қилинди.

## **З БОБ. САВДО КОРХОНАЛАРИДА РЕНТАБЕЛЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **3.1.Рентабеллик кўрсаткичларининг иқтисодий моҳияти, таҳлил мақсади ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланди. Бу эса иқтисодиёт тармоқларини рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан унумлироқ фойдаланишни ҳамда сифат кўрсаткичларни муттасил яхшилаб боришни тақозо этди. Зоро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов: «Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислоҳотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётиимз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлашдан иборатдир»<sup>17</sup> деб таъкидлаб ўтдилар.

Фойданинг мутлақ микдори савдо корхоналарининг хўжалик юритиш борасидаги самарадорик даражасини ҳар томонлама белгиламайди. Шу боисдан нисбий кўрсаткичларни аниқлаш талаб қилинади. Бу кўрсаткич – рентабеллик кўрсаткичларидир. Рентабеллик кўрсаткичлари жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва ҳар бир савдо корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткичда кенгайтирилган ишлаб чиқариш, умумдавлат эҳтиёжларини

---

<sup>17</sup>Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. -Т.: Ўзбекистон. 2014. -29 б.

таъминлаш, халқнинг ижтимоий ривожланишини юксалтириш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат қўрсатиш учун сарфланадиган жонли ва буюм шаклидаги меҳнат тежамиининг пул шаклида ифодаланиши ҳамда қўшимча маҳсулотнинг массаси ўз аксини топади.

Иқтисодчи олим А.Х.Шоалимовнинг “Молиявий ва бошқарув таҳлили” ўкув қўлланмасида рентабеллик кўрсаткичларини корхоналарнинг хўжалик фаолиятида қўйидаги функцияларни бажариши кўрсатиб ўтилган<sup>18</sup>:

- корхонага қўйилган маблағларнинг қоплаш даражасини кўрсатади. Масалан, корхонанинг рентабеллик даражаси 2 фоиз бўлса, у ҳолда корхонага қўйилган капитал 50 йилдан сўнг қопланади, 4 фоиз бўлса 25 йилдан кейин ва ҳоказо. Ушбу кўрсаткич халқ хўжалигининг алоҳида олинган тармоқлари бўйича ҳам ишлаб чиқилиши керак. Шу асосда, рентабеллик бўйича белгиланган меъёрий кўрсаткич муайян корхоналарнинг рентабеллик кўрсаткичлари билан таққосланиши керак. Халқ хўжалиги бўйича рентабеллик даражаси 20 фоиздан кам бўлмаса, мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шунда корхонага қўйилган капитал 5 йилда қопланади ҳамда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш учун реал имконият яратилади:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавийлаштириш ва уни қайта тиклаш таъминланади;
- олинган кредит ва қарзларни қайтариш, яъни корхоналарнинг тўлов қобилияти таъминланади;
- ишлаб чиқаришнинг ижтимоий соҳаси ривож топади ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш таъминланади.

Иқтисодий таҳлил қилишдан қўзланган асосий мақсадлардан бири таҳлил қилинаётган иқтисодий тоифа ёки иқтисодий кўрсаткични

---

<sup>18</sup> Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Молиявий ва бошқарув таҳлили. - Т.: Иқтисодиёт, 2010. -301 б.

холисона, тўғри баҳолаш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши ҳамда назарий ва услубий жиҳатдан асослашдан иборатdir.

Рентабеллик кенг қамровли тушунчалар қаторига кирганлиги боис, унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси хусусида тўлиқ ҳамда мукаммал хулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан иқтисодчи олимлар ўртасида бирлик йўқ. Масалан, Ўзбекистон Республикаси корхоналар банкроти ва санация масалалари бўйича ҳукумат ҳайъати томонидан 1997 йил 17 апрелда тасдиқланган «Молиявий таҳлил бўйича услубий тавсиялар»да қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия этилган: сотилган маҳсулот рентабеллиги, асосий воситалар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, перманент капитал рентабеллиги, жами капиталнинг рентабеллик коэффиценти.

Россия иқтисодий таҳлил фанининг кўзга кўринган йирик олимлари М.И. Баканов, А.Д. Шеремет, Л.И. Кравченко ва бошқаларнинг молиявий таҳлил бўйича чоп этилган қатор дарслик, ўкув қўлланма ва илмий мақолаларини эътироф этиш жоиз. Хусусан, А.Д. Шеремет, Е.В.Негашев томонидан молиявий таҳлилга бағишлиган «Молиявий таҳлил усули» ўкув қўлланмасида рентабеллик кўрсаткичларини учта гурухга умумлаштириш тавсия этилган<sup>19</sup>:

- 1.Капитал (активлар) рентабеллиги;
- 2.Маҳсулот рентабеллиги.
- 3.Пул маблағлари оқими асосида ҳисобланган рентабеллик кўрсаткичлари.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий таҳлил ва унинг айрим соҳаларига бағишлиган адабиётлар, ўкув ва амалий қўлланмалар, рисолалар, илмий мақолалар чоп этилган. Булар жумласига И.Т.Абдукаримов, Э.А.Акрамов, Ё.А.Абдуллаев, Б.А.Хасанов, И.О.Волжин, Е.Ергешев, А.Иброҳимов,

---

<sup>19</sup>.Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности комерческих организаций. - М.: ИНФРА, 2007.- 82 с.

Б.И.Исройлов, С.Нажбиддинов, М.Қ.Пардаев, М.М.Тўлахўжаева,  
В.В.Эргашбоев, Н.Хасанов кабиларнинг ишларини киритиш мумкин.

Бевосита корхоналарнинг молиявий ҳолатига бағишилаган адабиётларда рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлилига кўп эътибор берилган нуфузли ишлардан бири сифатида Э.А.Акрамов томонидан чоп этилган «Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили»<sup>20</sup> ўкув қўлланмани эътироф этиш жоиз. Ушбу ишда муаллиф рентабеллик кўрсаткичларини икки тизимли кўрсаткичларга умумлаштиришни тавсия этган:

### **I. Умумий рентабеллик кўрсаткичлари:**

- 1) жами активларнинг рентабеллиги;
- 2) ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги;
- 3) корхонанинг жорий харажатлари рентабеллиги;
- 4) сотилган маҳсулот рентабеллиги.


### **II. Қўшимча рентабеллик кўрсаткичлари:**

- 1) хусусий (ўз) капиталининг рентабеллиги;
- 2) қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги;
- 3) асосий капиталнинг рентабеллиги;
- 4) айланма капиталнинг рентабеллиги;
- 5) перманент (инвестиция) капиталнинг рентабеллиги.

Молиявий таҳлилга бағишиланган адабиётлар ичида рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилган тадқиқотлар қаторига И.Т.Абдукаримов, Т.Ш.Шоғиёсов, А.В.Ваҳабов, А.Т.Иброҳимовларнинг<sup>21</sup> ишларини киритиш мумкин. Хусусан, И.Т.Абдукаримов томонидан чоп этилган «Молиявий ҳисоботни ўқиши ва таҳлил қилиш» номли рисолада қўйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия этилган: маҳсулотни сотиш рентабеллиги, асосий сармоя рентабеллиги, ўз сармояси рентабеллиги, харажатлар рентабеллиги.

<sup>20</sup>.Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. -180 б.  
Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиши ва таҳлил қилиш. -Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 1999. 142 б.  
Пардаев М.Қ., Исройлов Б.И. Молиявий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 1999. – 327-352 б.  
Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. –Т.: Фан ва технология. 2012. -198 б., Ваҳабов А.В. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т. Иқтисод-молия, 2013. -259 б.

Юқорида келтирилган адабиётларнинг бирортасида ҳам рентабеллик кўрсаткичлари иқтисодий мазмуни бўйича тизим сифатида тавсифланмаган. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг аввало, уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш керак. Хусусан, рентабеллик кўрсаткичлари бир қатор белгилари билан тавсифланади. Аммо тадқиқот ишида рентабеллик кўрсаткичларининг факат иқтисодий мазмуни бўйича таснифини кўриб чиқиш билан чегараланишни лозим топдик. Бу борада олимлардан М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исройловларнинг тавсияларини диққатга сазовор деб топдик. Шунга кўра, рентабеллик кўрсаткичлари иқтисодий мазмуни бўйича тўрт гурухга бўлинади, (3.1-чиизма).



### 3.1-чиизма. Савдо корхоналарида рентабеллкни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

**3.1-чизмадан** **кўриниб** турнибеки, рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими 4 гурухдан иборат. Лекин ҳар бир гурухга киритилган кўрсаткичлар ўз навбатида яна бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда амалиётда кенг тарқалган ва иқтисодчилар томонидан бир қанча рентабеллик кўрсаткичиларини аниқлашни қуидаги усули тавсия этилган. Қуйида уларни ҳисоблаш усулларини ҳавола этамиз, (3.1-жадвал).

### **3.1- жадвал**

#### **Рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усули**

| <b>№</b> | <b>Кўрсаткичлар</b>                          | <b>Аниқланиш формуласи</b>  | <b>Молиявий<br/>ҳисоботда<br/>ифодаланиши</b> |
|----------|--|---|---|
| 1.       | Жами активларни рентабеллиги                 | Соф фойда : активларни ўртача қиймати   | <u>2-ш. 270 с</u><br>1-ш. 400 с               |
| 2.       | Жорий активлар                               | Соф фойда: жорий активларни ўртача қиймати  | <u>2-ш. 270 с</u><br>1-ш. 390 с               |
| 3.       | Сотилган маҳсулотни ретабеллиги              | Соф фойда: маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум   | <u>2-ш. 270 с</u><br>2-ш. 010 с               |
| 4.       | Сотилган маҳсулотни ретабеллиги              | Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш танархи : маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум                  | <u>2-ш. 020 с</u><br>2-ш. 010 с               |
| 5.       | Корхонанинг асосий фаолиятининг рентабеллиги | Маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда : сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танархи               | <u>2-ш. 030 с</u><br>2-ш. 020 с               |
| 6.       | Хусусий (ўз) капиталнинг рентабеллиги        | Соф фойда: ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати  | <u>2-ш. 270 с</u><br>1-ш. 480 с               |
| 7.       | Асосий капиталнинг рентабеллиги              | Соф фойда : узоқ муддатли активларнинг ўртача йиллик қиймати                                      | <u>2-ш. 270 с</u><br>1-ш. 130 с               |
| 8.       | Перманент капиталнинг рентабеллиги           | Соф фойда : ўз маблағларининг ўртача қиймати + узоқ, муддатли кредитлар + узоқ, муддатли қарзлар. | <u>2-ш. 270 с</u><br>1-ш (480+570 +580) с     |
| 9.       | Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги      | Соф фойда : қарзга олинган капиталнинг ўртача қиймати.  | <u>2-ш 270 с</u><br>1-ш.770 с                 |
| 10.      | Реал асосий капиталнинг рентабеллиги         | Соф фойда : асосий фондларнинг қолдиқ қиймати + капитал   | <u>2-ш 270 с</u><br>1-ш (012+100)с            |

Рентабеллик кўрсаткичларининг назарий жиҳати масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони унинг амалий жиҳати ҳисобланади. Шу боисдан мазкур ишда рентабеллик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг назарий жиҳатдан асосланган таснифи бўйича таҳлил қилиш усулларининг амалий жиҳатлари комплексли тадқиқ қилинган ва тегишли амалий тавсиялар берилган.

### **3.2. Савдо корхоналарида умумий рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари**

Савдо корхоналари хўжалик фаолиятининг самарадорлик даражасини ифодаловчи умумий рентабеллик кўрсаткичлари қаторига куйидагилар киради (3.2-чизма).



#### **3.2-чизма. Умумий рентабеллик кўрсаткичлари тизими.**

- товарларни сотиш рентабеллиги сотилган товарлар бирлигига фойда улушини, яъни сотилган товарларнинг самарадорлик даражасини тавсифлайди ва фоиз ҳисобида ялпи фойда суммасини товар айланмасига нисбати шаклида аниқланади.

-ялпи даромад рентабеллиги олинган ялпи даромад бирлигига фойда улушини кўрсатади ва фоиз ҳисобида ялпи фойда суммасини ялпи даромад суммасига нисбати шаклида аниқланади.

--харажатлар рентабеллиги юз сўм харажатга тўғри келадиган фойда миқдорини кўрсатади ва фоиз ҳисобида ялпи фойда суммасини муомала харажатлари суммасига нисбати шаклида аниқланади.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун қуидаги жадвални ҳавола қиласиз, (3.2-жадвал).

### **3.2-жадвал**

#### **“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича умумий рентабеллик кўрсаткичларини омилли таҳлил қилиши**

| <b>№</b> | <b>Кўрсаткичлар</b>                           | <b>2012<br/>йил</b> | <b>2013<br/>йил</b> | <b>Мутлақ<br/>фарқ,<br/>(+, -)</b> | <b>Ўсиш<br/>суръати,<br/>%</b> |
|----------|---|---------------------|---------------------|------------------------------------|--------------------------------|
| 1        | Чакана товар айланмаси                        | 110317,50           | 140101,70           | +29784,2                           | 99,85                          |
| 2        | Товарларни сотишдан тушган ялпи даромад       | 26051,90            | 46700,60            | +20648,7                           | 179,26                         |
| 3        | Муомала харажатлари (сотиш харажатлари)       | 27080,70            | 14327,80            | -12842,9                           | 52,91                          |
| 4        | Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда (2к-4к) | 1028,8              | 32462,8             | +31434,0                           | 31 марта                       |
| 5.       | <b>Умумий рентабеллик кўрсаткичлари</b>       |                     |                     |                                    |                                |
| 5.1      | Товар айланмасига нисбатан, % (4к x100:1к)    | 0,9326              | 23,1709             | +22,2383                           | 25 марта                       |
| 5.2      | Ялпи даромадга нисбатан, % (4 x100:2к)        | 3,9430              | 69,5126             | +65,5696                           | 176 марта                      |
| 5.3      | Муомала харажатларига нисбатан, %(4к x100:3к) | 3,7990              | 226,5721            | +222,7731                          | 596 марта                      |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи маълумотлари.

Энди умумий рентабеллик даражасининг ўзгаришига бевосита таъсир қилувчи омиллар – ялпи фойда ва товар айланмаси ҳажмини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз. Бунинг учун қуидаги жадвални тузамиз, (3.3-жадвал).

### 3.3-жадвал

**Умумий рентабеллик даражасини ўзгаришига таъсир қилувчи  
омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлашнинг  
ҳисоб-китоби**

| Ҳисобнинг<br>тартиб сони | Алмаштириш<br>нинг тартиб<br>сони | Ҳисоб<br>кирувчи омиллар     |                                   | Пировард<br>натижа-<br>умумий<br>рентабеллик<br>даражаси,%<br>$1\text{усх } 100:2\text{ус}$ | Олдинги<br>хисобга<br>нисбатан<br>фарк, % | Ўзгариш<br>сабаблари             |  |  |  |
|--------------------------|-----------------------------------|------------------------------|-----------------------------------|---|---|----------------------------------|--|--|--|
|                          |                                   | ялпи<br>фойда,<br>(минг сўм) | товар<br>айланмаси,<br>(минг сўм) |   |   |                                  |  |  |  |
| A                        | B                                 | 1                            | 2                                 | 3   | 4   | 5                                |  |  |  |
| 1                        | -                                 | 1028,8                       | 110317,50                         | 0,9326  | -   | -                                |  |  |  |
| 2                        | 1                                 | 32462,8                      | 110317,50                         | 29,4267   | +28,4941                                  | Ялпи фойдани<br>ошиши            |  |  |  |
| 3                        | 2                                 | 32462,8                      | 140101,70                         | 23,1709   | -6,2558                                   | Товар<br>айланмасини<br>кўпайиши |  |  |  |
| Омиллар баланси :        |                                   |                              |                                   |   | + 22,2383 %                               |                                  |  |  |  |

3.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар айланмаси ҳажмининг кўпайиши натижасида умумий рентабеллик даражаси камайди, чунки рентабеллик даражасига товар айланмасининг таъсири ялпи даромад, муомала харажатлари ва ялпи фойда кўрсаткичлари орқали намоён бўлади.

Товар айланмасининг таркибий силжиши рентабеллик даражасига қайта таъсир кўрсатади. Бунга эса, товар айланмаси таркибидаги айрим товарлар улушида юқори ва паст даражадаги савдо чегирмасини бўлиши сабаб бўлади. Масалан, энг юқори савдо чегирмалари қўйиладиган товарлар (атторлик моллари, заргарлик буюмлари, мебель, автоулов сингари моллар)ни кўпроқ сотилиши ўз навбатида, ялпи фойда ҳажми ва умумий рентабеллик даражасининг кўпайишига олиб келади.

Аксарият ҳолларда умумий рентабеллик даражасининг ўзгаришига товар айланмаси ҳажмининг таъсири ҳисобланмайди, чунки амалиётда ялпи даромад ва муомала харажатлари ҳисоби товар гурухлари бўйича

алоҳида олиб борилмайди. Бинобарин, товар гурӯҳлари бўйича ҳисоб олиб бориш, ўз навбатида, бошланғич бухгалтерия ҳисобини қайтадан ташкил этишни тақозо этади. Бундан ташқари, умумий рентабеллик даражасига товар айланмаси-нинг таркибий силжиши таъсирини аниқлаш жуда катта ҳажмдаги таҳлилий меҳнатни сарф этишни талаб қиласди. Лекин корхоналарда ҳозирги вақтда янги авлодга мансуб ахборот технологиялари ва ҳисоблаш техникасини кўллаш бундан ҳам мураккаб ҳисоб–китобларни бажаришга имкон беради.

Шундай қилиб, савдо корхоналарининг умумий рентабеллик кўрсаткичлари омилли таҳлилиниң амалиётда кўлланиши нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

### **3.3. Молиявий салоҳият билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир корхонанинг мустақиллиги таъминланиши билан бирга, унинг масъулияти ҳам ошяпти. Бундай шароитда ҳар бир корхона ўзининг маблағига, ўзининг бошқариш усулига, мулкига, ҳамжиҳат меҳнат жамоасига, мулк эгаларига эга бўлиши керак. Бу барча мавжуд мулкининг асосий манбаи корхонанинг молиявий салоҳиятини ташкил қиласди.

Корхонанинг молиявий салоҳиятига иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исройловлар: «Корхонанинг молиявий салоҳияти деб, унинг фаолиятини тўлиқ таъминлайдиган турли манбалардан таркиб топган молиявий маблағлар мажмуасига айтилади»<sup>22</sup> деб таъриф берганлар Айтиш керакки, корхона молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш бўйича бир қатор адабиётлар чоп этилишига қарамасдан, ушбу муаммо назарий ва айниқса амалий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур адабиётларда уларнинг илмий жиҳатдан асосланган аниқ таснифи

<sup>22</sup>.Пардаев М.Қ.,Исройлов Б.И. Иқтисодий таҳлил. –Т.: Мехнат, 2004. -297 б.

берилмаган ёки кўрсаткичлар тизими, уларнинг аниқланиш йўллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Масалан, Л.С.Васильева ва М.В.Петровскаяяларнинг<sup>23</sup> ўкув қўлланмасида ўз маблағларининг умумий маблағлардаги улуши ва рентабеллиги аниқланган, холос. Кўпгина ишларда корхонанинг молиявий салоҳияти яхлит ҳолда таҳлил қилинмаган.

Савдо корхоналарининг молиявий салоҳияти таҳлилининг вазифалари турлича. Буларнинг йўналишлари ва ечими молиявий салоҳият қайси мақсад учун таҳлил қилинишига боғлиқ. Масалан, мулкдор учун молиявий салоҳиятнинг таркиби, ҳолати ва самарадорлиги муҳим бўлса, банклар учун берилган кредитни ўз вақтида белгиланган фоиз билан қайтаришни таъминлай олиши муҳим ва ҳоказо. Лекин, молиявий салоҳият билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш барча хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари учун ўта муҳим десак, хато бўлмайди. Савдо корхонасининг молиявий салоҳияти самарадорлик даражаси (товар айланмаси, ялпи даромад, фойда) ҳажми молиявий салоҳиятнинг ўртacha йиллик қийматига нисбати тариқасида аниқланади. Молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни ўз иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги гурухларга умумлаштириш мумкин (3.3-чизма).

3.3-чизмада уч гурух кўрсаткичлар ўз ифодасини топган. Биринчи гурухда умумий кўрсаткичлар, иккинчи ва учинчи гурухларда уларнинг алоҳида гурухлари бўйича туркumlари келтирилган. Ҳар бир гурух кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча кўрсаткчиларни ўз ичига олади.


Биринчи гурухга қўйидагилар киради:

- бир сўм Mc. га тўғри келадиган товар айланмаси ҳажми;
- бир сўм Mc. га тўғри келадиган ялпи даромад ҳажми;
- бир сўм Mc. га тўғри келадиган соф фойда ҳажми киради.

Иккинчи гурух кўрсаткичларига қўйидагилар киради:

---

<sup>23</sup> Васильева Л.С.,Петровская М.В. Финансовый анализ.- М :: Кнорус, 2010. -625 б .



### **3.3-чизма. Молиявий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.**

- бир сўм ўз маблағларига (Ўм) тўғри келадиган товар айланмаси ҳажми;
- бир сўм Ўм. га тўғри келадиган ялпи даромад ҳажми;
- бир сўм Ўм. га тўғри келадиган соф фойда ҳажми.

Учинчи гуруҳ кўрсаткичлари ўз таркибига қуидагиларни олади:

- бир сўм четдан жалб қилинган маблағларга (Чжкм) тўғри келадиган товарлар айланмаси ҳажми;
- бир сўм Чжкм.га тўғри келадиган ялпи даромад ҳажми;
- бир сўм Чжкм.га тўғри келадиган соф фойда ҳажми.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлилини амалга ошириш учун қуидаги жадвални тузиш тавсия қилинади, (3.4-жадвал).

**“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича  
молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни  
аниқлашнинг ҳисоб – китоби**

| <b>Тартиб<br/>раками</b>   | <b>К ў р с а т к и ч л а р</b>                                     | <b>2012 йил</b> | <b>2013 йил</b> | <b>Мутлақ<br/>фарқ, (+.-)</b> |
|----------------------------|--|-----------------|-----------------|-------------------------------|
| <b>Мутлақ кўрсаткичлар</b> |  |                 |                 |                               |
| 1.                         | Чакана товар айланмаси, минг сўм                                   | 110317,50       | 140101,70       | +29784,2                      |
| 2,                         | Ялпи даромад, минг сўм   | 26051,90        | 46700,60        | +20648,7                      |
| 3.                         | Соф фойда, минг сўм  | -               | -               | -                             |
| 4.                         | Молиявий салоҳият ўртacha қиймати (Мс), минг сўм.                  | 426188,70       | 436490,50       | +10301,8                      |
| 5.                         | Ўз маблағларининг ўртacha қиймати (Ўм), минг сўм                   | 8408,20         | 273242,30       | +264834,1                     |
| 6.                         | Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртacha қиймати(Чжкм), минг сўм | 417780,50       | 163248,20       | -254532,3                     |
| <b>Нисбий кўрсаткичлар</b> |  |                 |                 |                               |
| 7.                         | Мс. натижавийлиги, сўм (1қ : 4қ)                                   | 0,2588          | 0,3210          | +0,0622                       |
| 8.                         | Мс. даромадлилиги, тийин (2қ : 4қ)                                 | 0,0611          | 0,1070          | +0,0459                       |
| 9.                         | Мс. фойдалилиги, % (3қ : 4қ x 100)                                 | -               | -               | -                             |
| 10.                        | Ўм. натижавийлиги, сўм (1қ : 5қ)                                   | 13,1202         | 0,5127          | -12,6075                      |
| 11.                        | Ўм. даромадлилиги, сўм тийин (2қ : 5қ)                             | 3,0984          | 0,1709          | -2,9275                       |
| 12.                        | Ўм. фойдалилиги, % (3қ : 5қ x 100)                                 | -               | -               | -                             |
| 13.                        | Чжкм. натижавийлиги, сўм (1қ : 6қ)                                 | 0,2640          | 0,8582          | +0,5942                       |
| 14.                        | Чжкм. даромадлилиги, сўм тийин (2қ : 6қ)                           | 0,0623          | 0,2861          | +0,225                        |
| 15.                        | Чжкм. фойдалилиги, % (3қ : 6қ x 100)                               | -               | -               | -                             |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий хисботи маълумотлари.

3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича 2013 йили 2012 йилга нисбатан натижавий кўрсаткичлар ошган. Хусусан, чакана товар айланмаси 29784,2 минг сўмга, ялпи даромад 20648,7 минг сўмга ошган.

Таҳлил қилинаётган даврларда молиявий салоҳиятнинг умумий ҳажми 262940,5 минг сўмга камайган бўлса, ўз маблағларининг ҳажми 264834,1 минг сўмга ошди. Молиявий салоҳият самарадорлиги тўғрисидаги хуносани мазмунан яна ҳам кенгайтириш учун унинг таркибий тузилишини кўриб чиқиш керак. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади, (3.5–жадвал).

### **3.5 – жадвал**

#### **“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича молиявий салоҳият таркибининг ўзгаришини ҳисоб – китоби**

| Т.<br>Р. | К ў р с а т к и ч л а р   | Т а р к и б и |          | Мутлоқ<br>фарқи,<br>(+,-) |
|----------|---|---------------|----------|---------------------------|
|          |   | 2012 йил      | 2013 йил |                           |
| 1.       | Ўз маблағларининг ўртача йиллик микдорининг улуши, %                  | 1,97          | 62,60    | +60,63                    |
| 2.       | Четдан жалб қилинган маблағларнинг ўртача йиллик микдорининг улуши, % | 98,03         | 37,40    | -60,63                    |
| 3.       | Жами молиявий салоҳият ҳажми, %                                       | 100           | 100      | 0                         |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий ҳисоботи маълумотлари.

3.5–жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йили 2012 йилга нисбатан ўз маблағларининг молиявий салоҳиятдаги улуши 60,63 фоизга камайган. Бу ҳолат молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топган. Масалан, молиявий салоҳият умумий ҳажмининг натижавийлиги, яъни унинг бир сўмига тўғри келадиган чакана товар айланмаси ҳажми 2012 йили 0,2588 сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йили унинг миқдори 0,3210 сўмга teng бўлди. 2012 йилда ўз маблағларининг натижавийлиги 13,1202 сўмни, четдан жалб қилинган

маблағларнинг натижавийлиги эса 0,2640 сўмга тенг бўлди. 2013 йилда ўз маблағларнинг натижавийлиги 0,5127 сўмни ташкил қилган бўлса, четдан жалб қилинган маблағларнинг натижавийлиги 0,8582 сўмга тенг бўлди. Кўриниб турибдики, четдан жалб қилинган маблағларнинг самарадорлиги ўз маблағлари самарадорлигига нисбатан юқори.

Молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири уларнинг даромадлилигидир. Молиявий салоҳият умумий ҳажмининг даромадлилиги, яъни унинг бир сўмга тўғри келадиган ялпи даромад микдори 2012 йили 0,0611 тийинни ташкил этган бўлса, 2013 йили унинг микдори 0,1070 тийин бўлди. Ўз маблағларининг даромадлилиги 2012 йили 3,0984 тийин бўлса, четдан жалб қилинган маблағларнинг даромадлигини 0,0623 тийинни ташкил этди.

Таҳлил йилларида “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти бўйича молиявий натижалар бўйича зарар кўрилганлиги боис молиявий салоҳият фойдалилигини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланмади.

Молиявий салоҳият самарадорлигини таҳлили натижасида, таҳлил обьектида 2012 йилда четдан жалб қилинган маблаларнинг натижавийлиги юқори бўлган бўлса, 2013 йилда эса ўз маблағларининг натижавийлиги юқори бўлди, деган хуносани чиқариш мумкин. Бунга бир қанча омиллар таъсир қиласи. Шу боис, услугбий асос сифатида юқорида кўрсатилган молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи **9** та **кўрсаткичнинг фақат 1 таси** Молиявий салоҳият даромадлилиги **мисолида омилли таҳлил методологиясини** кўриб чиқамиз. Зеро, қолган 8 та кўрсаткичларнинг омилли таҳлилини ҳам шу йўсинда ўтказиш мумкин, қолаверса, бу анча меҳнат талаб қиласиган техник ишдир. Бу ерда умумий таҳлил услуги сақланиб қолган ҳолда, айрим таъсир этувчи омиллар ва уларнинг сони таҳлилнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда ўзгаради.

Молиявий салоҳият даромадлилигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални ҳавола этамиз, (3.6–жадвал).

### 3.6-жадвал

**“BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятида молиявий салоҳият даромадлилигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби**

| Т.р. | Кўрсаткичлар                                      | 2012<br>йил | 2013<br>йил | Мутлақ<br>фарқ, (+,-) | Ўсиш<br>суръати,<br>% |
|------|---|-------------|-------------|-----------------------|-----------------------|
| 1.   | Ялпи даромад, минг сўм                            | 26051,90    | 46700,60    | +20648,7              | 179,26                |
| 2.   | Молиявий салоҳият ўртача қиймати, минг сўм.       | 426188,70   | 436490,50   | +10301,8              | 102,42                |
| 3.   | Молиявий салоҳият даромадлилиги, тийин (1қ : 14қ) | 0,0611      | 0,1070      | +0,0459               | 175,12                |

Манба: “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йил бўйича молиявий ҳисботи маълумотлари.

3.6-жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, молиявий салоҳият даромадлилиги таҳлил қилинаётган даврда 0,0459 тийинга ошган.

Энди молиявий салоҳият даромадлилигига ҳажмига таъсир қилувчи омиллар – ялпи даромад ва молиявий салоҳият ҳажмини занжирили алмаштириш усули орқали аниқлаймиз. Бунинг учун қуидаги жадвални тузамиз, (3.7-жадвал).

### 3.7-жадвал

**Молиявий салоҳият даромадлилиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби**

| Ҳисобнинг<br>тартиб сони | Алмантириши-<br>нинг тартиб<br>сони | Ҳисоб формуласига кирувчи<br>омиллар |  | Пировард<br>натижа-<br>Молиявий<br>салоҳият<br>даромадлилиги,<br>(1ус:2ус) | Олдинги<br>хисобга<br>нисбатан<br>фарқ |
|--------------------------|-------------------------------------|--------------------------------------|--|--|--|
|                          |                                     | ялпи<br>даромад                      | молиявий<br>салоҳият<br>ўртача қиймати |  |  |
| A                        | Б                                   | 1                                    | 2                                      | 3  | 4                                      |
| 1                        | -                                   | 26051,90                             | 426188,70                              | 0,0611   | -                                      |
| 2                        | 1                                   | 46700,60                             | 426188,70                              | 0,1096   | +0,0485                                |
| 3                        | 2                                   | 46700,60                             | 436490,50                              | 0,1070   | -0,0026                                |
| Омиллар баланси: +0,0459 |                                     |                                      |  |  |  |

Молиявий салоҳият даромадлилигиинг 0,0459 тийинга ошишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Ялпи даромад суммасининг 20648,7 минг сўмга қўпайганлиги натижасида молиявий салоҳият даромадлилиги 0,0485 тийинга ошган.

2. Молиявий салоҳият ўртача қиймати 10301,8 минг сўмга ошиши молиявий салоҳият даромадлилигини 0,0026 тийинга камайтирган.

Шундай қилиб, барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:  $(+0,0485)+(-0,0026) = +0,0459$  тийин.

Ушбу таҳлил усули ҳали таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилаш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли бўлади.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, ҳисоблаб чиқилган омиллардан биттасининг таъсири салбий бўлган. Шулардан келиб чиқсан холда, савдо корхонасининг маъмурияти даромадлилик даражасини ошириш учун молиявий салоҳиятнинг таркибий тузилишини яхшилаш, шу орқали ялпи даромад ҳажмини қўпайтириш чора – тадбирларини ишлаб чиқишилари керак. Шуни таъкидлаш керакки, даромадлилик ва рентабеллик даражасини таҳлил қилганда унга фақат ҳажм кўрсаткичларининг таъсирини ҳисоблаш билан чекланиб бўлмайди, зоро иқтисодий кўрсаткичлар иқтисодий жараёнлар инъикоси сифатида бир–бири билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли, барча иқтисодий жараёнлар ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг бир–бири билан узвий боғлиқлигини ўрганиш, уларнинг якуний натижага таъсирини ҳисоблаш иқтисодий таҳлилнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Биз молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи жами 9та кўрсаткичдан фақат биттаси бўйича омилли таҳлил усулини кўриб чиқдик. Бу усул қолган 8та кўрсаткични ҳам худди шу тахлитда таҳлил қилиш учун услугбий асос бўлади.

Шундай қилиб, таҳлил қилинаётган обьект “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятида молиявий салоҳият даромадлилигини

оширишнинг ички имкониятлари мавжуд экан. Бошқарув маъмурияти келажакда омилли таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши, уларни амалиётга сафарбар қилиши лозим.

### **З боб бўйича хулоса**

Тадқиқот ишида савдо корхоналарида рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида қўйидаги хулосаларга келинди ва илмий-амалий аҳамиятга молик таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Корхонанинг рентабеллик даражасига баҳо бериш йўналишлари хусусида олимлар ўртасида турли қарашларни мавжудлиги кўрсатилди. Бир гурӯҳ олимлар, жумладан М.И.Баканов, А.Д.Шеремет, Е.В.Негашев кабилар ўз тавсияларида корхонанинг жами молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишга асосий эътиборни қаратганлар. Иккинчи гурӯҳ олимлар ва мутахассислар молиявий ресурсларнинг айрим қисмларидан самарали фойдаланиш хусусида ўз тавсияларини берганлар. Демак, рентабеллик кўрсаткичлари тизимини шакллантириш борасида турлича ёндашувлар мавжуддир.

2. Рентабеллик даражасини хисоблашда асос қилиб олинган кўрсаткичларни, яъни фойда турлари: ялпи фойда, умумхўжалик фаолиятидан келган фойда, асосий фаолиятдан келган фойда, солик тўлангунга қадар фойда, соф фойда асосланмаган ҳолда қўлланилган. Тавсия этилган аксарият рентабеллик кўрсаткичлари соф фойда асосида аниқланади. Иқтисодий адабиётларнинг бирортасида ҳам рентабеллик кўрсаткичлари иқтисодий мазмуни бўйича тизим сифатида тавсифланмаган. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг аввало, уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш керак. Хусусан, рентабеллик кўрсаткичлари бир қатор белгилари билан тавсифланади.

3. Тадқиқот ишида рентабеллик кўрсаткичларини фақат иқтисодий мазмуни бўйича таснифи кўриб чиқилди. Рентабеллик кўрсаткичлари

иқтисодий мазмуни бўйича тўрт гурухга бўлинади: умумий рентабеллик кўрсаткичлари, иқтисодий салоҳият билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари, молиявий салоҳият билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари ва молиявий бозордаги фаоллик билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари.

4.Диссертацияда рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва назарий жиҳатдан асосланган таснифи асосида уларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди. Хусусан, савдо корхоналарининг умумий рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилига катта ўрин берилган. Улар жумласига товарларни сотиш рентабеллиги, ялпи даромад рентабеллиги ва харажатлар рентабеллиги киритилиши асосланган. Методологик асос сифатида фақат товарларни сотиш рентабеллиги даражасига таъсир этувчи омиллар ўзгаришини таҳлилнинг турли маҳсус усуллари орқали аниқлаш йўллари, уларнинг ечими ҳамда натижа кўрсаткич даражасини оширишга қаратилган амалий тавсиялар берилган.

5.Молиявий салоҳият тушунчаси ҳам кенг қамровли иқтисодий тоифадир. Тадқиқот ишида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий салоҳияти таҳлили бўйича чоп этилган иқтисодий адабиётда кўзга ташланадиган умумий камчилик сифатида, муаллифлар томонидан молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан эмас, балки уларнинг тўпламидан фойдаланишни тавсия қилиниши, молиявий салоҳиятни яхлит ҳолда таҳлил қилинмаганлигини келтириш мумкин. Тадқиқот натижасида молиявий салоҳият даромадлилигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия қилинган.

## **ХУЛОСА**

Савдо корхоналарининг молиявий натижаларини омилли таҳлил қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида савдо тармоғининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлашда таҳлил усулларидан фойдаланиш юзасидан илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо фойдасининг ижтимоий-иктисодий моҳияти, вазифалари кўрсатиб берилди ва илмий таърифлар берилди. Хусусан, жамиятнинг, жамоанинг ва ҳар бир ҳодимнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурят эканлиги назарий жиҳатдан исботланди.

2.Савдо корхоналарининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усуллари бўйича чоп этилган адабиётлар мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амал қилаётган меъёрий хужжатларга етарли даражада жавоб бермайди. Ўзбекистон амалиётида қўлланилаётган «Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомда харажатларнинг таснифига кўра, муомала харажатлари давр харажатлари таркибига киритилган. Шу боис, уларни баҳолаш ва ҳажмини аниқлашнинг имкони йўқлиги асослаб берилди. Шунингдек, «Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомдан фойдаланиш ва унга амал қилишда иқтисодиётнинг турли тармоқларини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш илмий жиҳатдан асосланди. Ишда шулардан келиб чиқиб, умумметодологик усулларга асосланган ҳолда, савдо корхоналарининг молиявий натижалари шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

3.Савдо тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, товарларни сотишдан тушган ялпи фойдани ялпи даромаддан фақат сотиш харажатларини чегиришни, асосий фаолиятдан кўрилган фойдани ялпи фойдадан маъмурий харажатларни, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа

харажатлар, келгусида соликқа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатларини айириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини қўшиш орқали аниқлаш лозимлиги асосланди ва тавсиялар берилди.

4.Диссертацияда амалдаги “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни такомиллаштириш бўйича ва уни савдо тармоғига мослаштиришга оид амалий тавсиялар берилди. Ушбу шаклда берилган кўрсаткичлар молиявий ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун қатор изоҳ ва эслатмалар берилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум савдо ташкилотларида соф чакана товар айланмаси ҳажмини (сотиш баҳоси), сотилган маҳсулотнинг таннархи товарларни сотиб олиш баҳосини, маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда савдода ялпи даромад ҳажмини кўрсатиши ва бошқа кўрсаткичлар иловада очиб берилиши керак.

5.Савдо корхоналарининг жами даромади ва уни турлари бўйича таснифлаш, таҳлил қилиш усулларига оид амалий тавсиялар берилди. Хусусан, ялпи даромаднинг ўзгаришига таъсир қилувчи янги омиллар аникланиб, уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этиш тавсия қилинди. Савдо корхоналарида ялпи даромадни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан ҳам фойдаланилди. Ушбу усулларни қўллаш йўллари, афзаллик ва камчиликлари амалий маълумотлар мисолида кўрсатилди.

6.Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи энг муҳим мезон – фойда кўрсаткичидир. «Харажатлар таркиби тўғрисида ....» Низомга кўра фақат саноат корхоналари доирасида фойда турлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган. Шу боис, савдо тармоғининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, фойда турлари — ялпи фойда, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари фойдаси, солик тўлангунга қадар фойда, соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил

қилишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди. Хусусан, товарларни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди.

7. Молиявий фаолиятдан юзага келадиган харажатлар улушкининг кўпайиши натижасида савдо корхоналарини банкрот бўлиши (синиши) эҳтимолдан ҳоли эмас. “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамиятида бўйича молиявий фаолиятдан юзага келган заарлар йил охирида 31200,00 минг сўмни ташкил қилиб, 21000,00 минг сўмга ошди. Шу сабабли, умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш йўллари тавсия қилинган.

8. Соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва савдо корхоналарида ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усуллари тавсия қилинди. Масалан, “BTK Savdo servis” маъсулияти чекланган жамияти соф фойда ҳажмини ошириш учун имкониятлар бўлган. Ҳисобланган 5 та омилдан 3 тасининг таъсири салбий бўлган. Шу боисдан ҳам корхонада ҳисботот даврида молиявий натижалар бўйича соф зарар кўрилган. Тадқиқот ишида тавсия қилинган фойда кўрсаткичларини омилли таҳлил усули амалиётда жорий қилинса, савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатини олдини олиш, молиявий ва иқтисодий салоҳиятни ошириш, ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо бериш имкони бўлади.

9. Молиявий ҳисботот таҳлил талабларига жавоб бериши керак. Хусусан, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот»да (2-шакл) молиявий натижалар тўғрисидаги қўрсаткич соф фойда билан тугайди. Молиявий ҳисботни тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиқсан ҳолда, янги молиявий ҳисбот шакли “Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисидаги ҳисбот” (2Б-шакл) тавсия қилинди.

10.Рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва назарий жиҳатдан асосланган таснифи асосида уларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди ҳамда амалиётда қўллаш учун тавсия этилди. Хусусан, савдо корхоналарининг умумий рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилига катта ўрин берилган. Улар жумласига товарларни сотиш рентабеллиги, ялпи даромад рентабеллиги ва ҳаражатлар рентабеллиги киритилиши асосланган. Методологик асос сифатида факат товарларни сотиш рентабеллиги даражасига таъсир этувчи омиллар ўзгаришини таҳлилнинг турли маҳсус усуллари орқали аниқлаш йўллари, уларнинг ечими ҳамда натижа кўрсаткич даражасини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

11.Молиявий салоҳият тушунчаси кенг қамровли иқтисодий категориядир. Ишда таъкидланганидек хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий салоҳияти таҳлили бўйича бир қатор адабиёт чоп этилишига қарамасдан, унинг назарий ва амалий жиҳатлари айнан олинган савдо корхоналари мисолида ҳали талаб даражасида ўрганилмаган. Хусусан, чоп этилган иқтисодий адабиётда кўзга ташланадиган умумий камчилик сифатида, муаллифлар томонидан молиявий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан эмас, балки уларнинг тўпламидан фойдаланишни тавсия қилиниши, молиявий салоҳиятни яхлит ҳолда таҳлил қилинмаганлигини келтириш мумкин. Шу сабабли, молиявий салоҳиятнинг умумий ҳажми, унинг таркибий қисмлари бўлган ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар тизимли ва комплексли тарзда таҳлил қилиниб, амалий тавсиялар берилди.

12.Тадқиқот натижасида молиявий салоҳият даромадлилигини ифодаловчи кўрсаткичларни омилли таҳлил қилиш ва молиявий салоҳият даромадлилигини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш тавсия қилинди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси**

#### **Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар**

##### **Маҳкамасининг қарорлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 декабр 1992 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

2. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. 30 август 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

3. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрир) - Т.: 2000.

4. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхоналар тўғрисида” ги Қонуни. 11 декабр 2003 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 – сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2133-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1717-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2003 йил 29 августдаги 368-сон қарори.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:**

11. Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. -Т.: Ўзбекистон. 2014. - 36 б.

12.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъяят билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. - 36 б.

13.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

## **III . Соҳага оид меъёрий хужжатлар:**

14. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 5.02.1999 №54 сон. Бухгалтерлар ва аудиторлар Асоссациясининг нашриёт маркази. Т.,2001 .

15. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

#### **IV. Асосий адабиётлар:**

- 16.Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили. -Т.: “Молия” нашриёти, 2003. -239 б.
- 17.Абрютина М.С. Экономический анализ торговой деятельности. - М.: Дело и сервис, 2000. -353 с.
- 18.Ваҳобов А.В. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. -Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2013. -480 б.
- 19.Васильева Л.С.,Петровская М.В. Финансовый анализ.- М .: Кнорус” нашриёти, 2010. -880 б.
- 20.Пардаев М.К , Хасанов Б.А. Молиявий ва бошқарув таҳлили. -Т.: “Чўлпон” нашриёти, 2012. -218 б.
- 21.Пардаев М.К., Истроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. -Т.: “Мехнат” нашриёти, 2004. -484 б.
- 22.Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. -М.: “Инфра-М” нашриёти, 2009 .-688 с.
- 23.Чернов В.А. Экономический анализ: торговля, общественное питание, туристический бизнес.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. -403 с.
- 24.Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.:ТДИУ, 2010. –367 б.
- 25.Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. –Т.Иқтисодиёт. 2014. -235 б.
- 26.Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Экономический анализ в торговле. – М.: Финансы и статистика, 2006. -392 с.
- 27.Шеремет А.Д.,Сайфуллин Р.С Методика финансового анализа.- М.: “ЮНИТИ” нашриёти, 2007 . -382 б.

#### **V.Қўшимча алабиётлар:**

28. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисботни ўқиши ва таҳлил қилиш йўллари. –Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 1999. -142 б.
- 29.Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. -Т.: “Иқтисодиёт

ва хуқуқ дунёси” нашриёти, 1998. -256 б.

30.Донцова А.В., Никифорова Н.А. Анализ финансовой отчетности. –М.: “Дело и Сервис” нашриёти, 2009. -336 с.

31.Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. –Т.: “Консаудитинформ” нашриёти, 2005.-374 б.

32.Новопашина Е.А. Практика оценки финансового состояния хозяйствующего субъекта с учетом мирового опыта. –Тюмень.: , 2008. - 133 с.

33.Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 1999. –347 б.

34.Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. –Т.: “Молия” нашриёти, 2007. - 286 б.

35.Тожибоева Ш.А., Каримов К.К. Савдо корхоналарида умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижани таҳлили. // «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида бухаглтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари». Республика илмий-амалий конференцияси. –Т.: 2013 -Б. 182-183.

36.Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. -265 б.

37.Шоалимов А.Х., Илхомов Ш.И., Ходжаева М.Х. Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлил ва аудит. –Т.: Иқтисодиёт, 2012. -367 б.

38.Шоғиёсов Т. Ш. Комлекс иқтисодий таҳлил. -Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2009. -378 б.

39.Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. -М.: “Инфра-М” нашриёти, 2003. -208 б.

40.Қосимов А., Давлатова Г. Хўжалик фаолияти таҳлили..–Т. : “Алоқачи” нашриёти, 2007. -140 б.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:**

- 41."Халқ сўзи газетаси". –Тошкент.
- 42."Солиқ ва божхона хабарлари" газетаси.
- 43.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, Илмий-амалий иқтисодий журнал.
- 44.Промышленность Республики Узбекистан 2011. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2012. – 156 с.
- 45.Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланишининг 2012 йилдаги асосий кўрсаткичлари. –Т, 2013.
- 46."BTK savdo servis" масъулияти чекланган жамиятининг 2012-2013 йиллар бўйича молиявий ҳисботи маълумотлари.

## **VII. Интернет сайtlари:**

- 47.<http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати сайти).
- 48 <http://www.pravo.eastink.uz> (Иқтисодий қонунлар тўплами).
- 49.<http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги).
- 50.<http://www.naaba.uz> (Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси).
- 51.<http://www.cer.uz>- (Иқтисодий тадқиқотлар маркази).
52. <http://www.msu.ru> – (Москва давлат университети).
- 53.[www.apb.org.uk](http://www.apb.org.uk)- (Auditing Practices Board).
- .54.[www.nao.gov.uk](http://www.nao.gov.uk)- (UK National Audit Offise).